Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 27 июль, пайшанба. №90 (21.853.) Сотувда эркин нархда.

В. ЧЕРНОМИРДИННИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатлар янгича шаклланиш босқичига кирди. Икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари 1992 йилнинг мартида ўрнатилган эди. Ўша йили май ойида Президентлар Ислом Каримов ва Борис Ельцин давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани, бир қанча муҳим ҳукуматлараро ҳужжатларни имзоладилар.

Президент Ислом Каримовнинг 1994 йилнинг мартида Россия Федерациясига расмий сафари чоғида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома ва бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб, мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқалари ўзаро манфаатли асосда ривож топмоқда. Мамлакатларимиз раҳбарларининг ўзаро ташрифлари бу алоқаларни кенгайтириш йўлида муҳим босқич бўлаётир. Шу боис, Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Черномирдиннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи катта қизиқиш билан кутилаётир.

26 июль куни Россия Федерацияси ҳукумат раиси Виктор Черномирдин раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизга расмий рашриф буюрди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмон шарафига Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари кўтарилди. Россия Федерацияси ҳукумати раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этдилар.

Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиялари янграганидан сўнг Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Россия Федерацияси ҳукумат раҳбари ва Ўзбекистон Президенти расмий делегация аъзолари билан танишдилар.

Аэропортнинг ўзидаёқ Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин ўзаро қисқа мулоқотда бўлди. Мамлакатимиз Президенти олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон заминига ташрифи билан кутлаб, сафарининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди.

Россия ҳукумати раиси ташрифи чоғида Ўзбекистон Президенти билан музокаралар ўтказади.

(ЎзА).

Уйчи туманидаги йигирув-тўқув фабрикаси жамоаси айни кунларда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ҳаракат қилаётир. Режалар ортиғи билан уддаланаётир. Энг муҳими — бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати тобора ошиб бораётир. Харидорлар эса мамнун. Айниқса, Ф. Мирсултонов, С. Эшонхўжаева, М. Миралимова, М. Темирова, М. Худойберганова, М. Нуриддинова сингари илғор ишчилар корхона ютуғига ютуқ қўшишмоқда. Чеварларнинг нияти — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунигача 9 ойлик режани уддалаш.

Суратда: фабрика директорининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Муайям Нишонова тўқувчилар даврасида.

П. АКБАРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИ СУҒУРТА ЙЎЛИ БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ АГЕНТЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик ҳаракатининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ҳамда кредиторларга қарз капитали эвазига кафолатлар берилишини кўзда тутувчи дастурларни рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўздеҳқончиликсаноатбанк», «Тадбиркорбанк», «Савдогарбанк», «Мевасабзавотбанк»нинг, Тадбиркорлар уюшмасининг, Шахсий ёрдамчи хўжаликлар уюшмасининг, Ишбилармон хотин-қизлар уюшмасининг «Мадад» суғурта агентлигини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

«Мадад» агентлиги муассисларининг агентлик устав жамғармасини 10 миллион сўм миқдорида шакллантириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2.Белгилаб қўйилсинки, «Мадад» суғурта агентлиги:

юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳисобланади ва ўз фаолиятини уставга мувофиқ тўла хўжалик ҳисоби принциплари асосида ташкил этади, Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда ўз бўлинмаларига эга бўлади;

хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (Бизнес-фонд) билан яқин алоқада ишлайди, белгиланган тартибда таклиф ва лойиҳалар экспертизасини, шунингдек, Бизнес-фонд томонидан қарз олувчиларга кредит ажратиб бериш учун асос бўладиган суғурта полиси берилишини таъминлайди.

3. Қуйидагилар «Мадад» суғурта агентлиги фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

— хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнесга кредитлар, шу жумладан, имтиёзли кредитлар олиш учун тақдим этиладиган инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва экспертиза қилиш;

— тадбиркорлик таваккалчиликларидан имтиёзли шартлар асосида суғурта йўли билан ҳимоя этиш, кредитлар қопланмаганлиги учун қарздорнинг масъулиятини суғурталаш;

— республикада хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтириладиган хорижий сармояларнинг суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

4. «Мадад» агентлигининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги унинг суғурта жамғармасини шакллантиришга 100 миллион сўм миқдорида фоизсиз ссуда ажратиб берсин.

5. «Мадад» суғурта агентлиги қонунда белгиланган солиқлар, шунингдек, мажбурий тўловлар тўлашдан уч йилга озод қилинсин, маблағларнинг шу қисми суғурта жамғармасини тўлдиришга ва уни техника билан жиҳозлашга сарфланиши белгилаб қўйилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида «Мадад» суғурта агентлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА КИЧИК БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ФОНДИ (БИЗНЕС—ФОНД)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, республика минтақаларида иқтисодиётнинг нодавлат сектори ишлаб чиқариш — молиявий салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи фонд муассисларининг мазкур фонд негизида очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти шаклида жойларда ҳудудий бўлинмаларига эга бўлган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (Бизнес-фонд)ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Шу нарса маълумот учун қабул қилинсинки, уставга мувофиқ Бизнес-фонд ихтисослаштирилган нодавлат ташкилот бўлиб, хусусий тадбиркорликка ва кичик бизнесга қуйидаги йўллар билан мадад кўрсатади:

хусусий тадбиркорларга ва кичик бизнесга кредитлар, шу жумладан, имтиёзли кредитлар бериш асосида инвестиция лойиҳаларини пул билан таъминлаш;

хусусий корхоналар ва кичик бизнеснинг устав сармоясида қатнашиш;

хусусий тадбиркорларга ҳамда кичик бизнесга маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш шаклида техникавий кўмак бериш.

3. Қуйидагилар Бизнес-фонд ресурсларининг манбалари этиб белгилансин:

давлат мулкини сотишдан тушган маблағларнинг, давлат мулки иштирокидаги ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятидан давлатга тегишли бўлган дивидендларнинг 50 фоизи;

иш билан таъминлашга кўмаклашувчи фондга тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларнинг маблағлари;

хорижий юридик шахслар ва халқаро молия ташкилотларининг маблағлари.

4. Белгилаб қўйилсинки:

юқорида кўрсатилган маблағлар Бизнес-фонд томонидан қайтариб бериш шартлари асосида жалб этилади ва унинг «Ўзтадбиркорбанк»даги ҳисоб варағида жамланади. Устав фондининг маблағлари ҳам худди шу ҳисоб варағига ўтказилади.

Бизнес-фонд кредитларни одатда «Мадад» суғурта агентлиги томонидан қарз олувчига берилган суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда «Ўзтадбиркорбанк» орқали ажратиб беради.

5. Бизнес-фондни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Бизнес-фонднинг бошланғич сармоясини шакллантириш ва уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун 100 миллион сўм пул ажратиб берсин.

6. Бизнес-фонд давлат томонидан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб 3 йил мобайнида қонунда белгиланган солиқларни, шунингдек, мажбурий тўловларни тўлашдан озод этилсин, бунда бўшаган маблағларни Бизнес-фонднинг сармоясини кўпайтиришга ва уни ривожлантиришга сарфлаш шарт қилиб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида» 1993 йил 21 июлдаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармоннинг ижро этилишига оид қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 26 июль.

ПАХТА ТЕРИМИ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК БИЛАН

26 июль куни Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлди. Кенгашни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Кенгашда вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, агросаноат уюшмалари ҳамда бошқа ташкилот ва уюшмалар раҳбарлари, республика пахта комплекси билан боғлиқ бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Кенгашда Вазирлар Маҳкамасининг қарорини амалга ошириш, барча тайёргарлик ишларини белгиланган муддатда уюшқоқлик билан бажариш ва сифатли хом ашё олиш учун қарордаги барча қоидаларни оғишмай бажариш масалалари муҳокама қилинди.

(ЎзА).

СИНАНИНГ НОВВОТИ

Сурхондарёда Сина деган қишлоқ бор. Одатда синаликларни танти, меҳмондўст, ишбилармон дейишади. Ҳақиқатан ҳам тоғли ерларни ўзлаштириб боғу бўстонга айлантиришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун қанча-дан-қанча меҳнат қилиш, тер тўкиш лозим. Биз Сина қандолатчилик цехида бўлганимизда печлардан эндигина 15 тонна ширин новвот чиққан экан.

— Ишларимиз чакки эмас, — дейди бош муҳандис Эрон Бобоқулов. — Ҳар ҳафтада халқимиз дастурхонига 15-20 тоннагача новвот ва қандолатчилик маҳсулотлари етказиб беряпмиз. Цехимиз аввалроқ ташкил топган бўлса-да, мустақиллик шарофати билан 1993 йилдан бошлаб ўзимиз новвот, конфет, парварда, нишолда ва бошқа ширинликлар ишлаб чиқара бошладик. Шу йили Германиядан тўртта новвот ишлаб чиқарадиган ускуна сотиб олдик. Хўжаликдан ўн сотих ерни ижарага олиб, мўъжазгина цех қурдик. Тўғри, дастлаб, анча қийналдик. Шакар, қозон, этикеткаларни топиш муаммо бўлди. Аммо кўп ўтмай ўз шерикларимизни топдик. Шундан сўнг ишларимиз юришиб кетди...

Ҳозир цех шартнома асосида Термиздан шакар оляпти. Ўтган олти ойда 150 тоннага яқин маҳсулот тайёрланган бўлса, йил охиригача яна 200 тоннага яқин новвот ва ширинликлар тайёрлаш кўзда тутилган. Цехнинг Термизда, Деновда, Жарқўрғонда ва вилоятнинг бошқа туманларида ўндан ортиқ дўкони бор. Бу дўконлардаги маҳсулотлар бозордан анча арзон нархларда сотилмоқда. 70 киши меҳнат қиладиган бу цехда ишчи ва хизматчиларга яхши шароитлар яратилган. Унинг ёнгинасида савдо дўкони, амбулатория, ошхона ишлаб турибди. Ҳар ойда ун, ёғ, гуруч, шакар маҳсулотлари ишчиларга арзон нархларда берилмоқда. Уларнинг маошлари ҳам ёмон эмас. Шамсиддин Баҳриев, Рамазон Менгбоев, Раҳмат Норқобилов, Суннат Хўжаев, Шерқул Бекжонов, Акрам ва Шариф Шариповлар ҳар ойда 1800-2200 сўмгача маош олишмоқда. Йил чорагида илғор ишчиларга 300 сўмдан 600 сўмгача мукофот пули берилмоқда.

— Яқин кунларда цехни хусусий корхонага айлантирмоқчимиз, — дея давом этди Эрон ака. — Насиб қилса, МДҲ мамлакатлари, қолаверса, хорижий давлатларга ҳам ўз маҳсулотларимизни чиқарамиз. Яна тўртта новвот ишлаб чиқарадиган ускуна олиш режамиз бор. Орзуларимиз амалга ошса, келгусида халқимиз дастурхонига 500-600 тоннагача новвот етказиб берамиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгашининг навбатдаги пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. А. Салоҳиддинов Боғишамол туман ҳокимининг ўринбосари этиб тайинланганлиги муносабати билан шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби вазифасидан озод этилди. Шаҳар партия кенгаши котиби бўлиб ишлаб келаётган Шуҳрат Темиров Самарқанд шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров, ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашининг биринчи котиби Р. Ш. Облоёров иштирок этдилар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШГА ЧАҚИРИҚ

ПАРИЖ. Мамлакатдаги етакчи мухолиф куч ҳисобланган Франция Социалистик партияси мамлакат Президенти Жак Ширакни ядро синовларини бошлаш ҳақидаги қарорни қайта кўриб чиқиш ва шу масала юзасидан умумхалқ референдумини ўтказишга чақирди. Франция Социалистик партиясининг ташқи алоқалар бўйича миллий котиби Жерар Фош журналистларга шуни маълум қилди.

СЎНГГИ МАЪЛУМОТЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ҚОҲИРА. Миср давлат ҳисобот ва статистика марказий аппарати мамлакат ташқи савдоси ҳақидаги сўнгги маълумотларни эълон қилди. Маълум бўлишича, 1994 йилда Миср ташқи савдоси ҳажми 44,3 миллиард жунайҳга етган. Бунда экспорт маҳсулотлари 27, мамлакатга келтирилган товарлар ҳажми 73 фоизни ташкил этади.

ПРЕЗИДЕНТ БИР ҚАРОРГА КЕЛГАНИ ЙЎҚ

ТБИЛИСИ. Эдуард Шеварднадзе шу йил кузда Грузияда ўтадиган Президент сайловларида ўз номзодини қўйиш қўймаслик борасида бир қарорга келгани йўқ. У республика радиоси мухбири билан суҳбатда шуни таъкидлади. Грузия давлати раҳбари суҳбат чоғида бўлажак сайловлар ўзаро бир-бирини ҳақорат қилишларсиз у ёки бу ташкилотга тазйиқ ўтказишларсиз тинч ўтишига умид билдирди.

ЗАВЕРЮХАНИНГ ФИКРИ

МОСКВА. Россия Федерацияси ҳукумат раиси ўринбосари Александр Заверюха мамлакатда бу йил 75-78 миллион тонна дон ҳосили олиш режалаштирилаётганини айтди. Дон маҳсулотларининг 30-32 миллион тоннасини буғдой ташкил этади. Айни пайтгача экин майдонларининг 20 фоизида ҳосил ўриб-йиғиб олинган. Йиғилган ҳосилнинг қарийб 20 миллион тоннаси ун ҳолига келтирилган.

«ЯДРО ҚУРОЛИСИЗ ТИНЧЛИК САРИ»

Хиросима шаҳрида «Ядро қуролисиз тинчлик сари» шиори остида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий Пагоуш конференцияси очилди. Бу йил Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташланган ўша мудҳиш кунга 50 йил тўлади. Анжуманда 46 мамлакатдан 165 нафар олим ва жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда.

САЙЛОВДА ЮТҚАЗГАН БЎЛСА ҲАМ...

Япония Бош вазири Томиити Мурояма ўзи раҳбарлик қилаётган Социал-демократик партияси (ЯСДП) парламентнинг юқори палатасига ўтказилган сайловда ютқазган бўлса-да, истеъфога чиқиш нияти йўқлигини билдирди. Сайловда ЯСДП атиги 16 та мандатни қўлга киритди. Бу эса аввалги қўлга киритилган мандатлардан 25 та кам.

ХИТОЙДА ЕР СИЛКИНДИ

Ўтган шанба куни Хитойнинг Ганьсу вилоятида Рихтер ўлчовига кўра 5,8 балл куч билан ер силкинди. Хитой ҳукумати вакилининг хабар беришча, зилзила натижасида 14 киши халок бўлган, 60 дан зиёд киши эса жароҳатланган. Бир неча минг турар жой ва маъмурий бино вайронага айланганы натижасида ўн минглаб киши бошпанасиз қолди.

ГАРОВГА ОЛИНГАНЛАРНИ ОЗОД ҚИЛИШГА ДАЪВАТ

Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штати маъмурияти вакили Кашмирда фаолият кўрсатаётган «Ал-Фаран» қўпорувчилик гуруҳини июль ойида гаровга олинган 5 нафар чет эл фуқаросини озод этишга чақирди. Федерал ҳукумат ҳамда Жамму ва Кашмир ҳокимлиги гаровга олинганларни озод этиш бўйича барча чорани кўрмоқда, деди у. Айни пайтда хавфсизлик кучлари гаровга олинган чет эллик сайёҳларнинг қаердалигини аниқлаш учун кечаю кундуз ҳаракат қилмоқда.

ҚЎПОРУВЧИЛАР БИЛАН ТЎҚНАШУВ

Перу пойтахти Лимада ҳукумат хавфсизлик кучлари ва полиция қисмлари мамлакатда фаолият кўрсатаётган «Сендеро Луминоса» қўпорувчилик гуруҳи фаоллашгани туфайли жанговар ҳолатга келтирилди. Хабар берилишича, мамлакат қўшинлари қўпорувчиликка қарши курашувчи махсус бўлинмалар билан биргаликда «Сендеристлар» устидан ҳақиқий «ов» бошлаган. Бундан бир ҳафта бурун ҳукумат қўшинлари билан қўпорувчилар ўртасида тўқнашув юз берган эди. Натижада 16 нафар ҳукумат аскари ва 20 дан ортиқ қўпорувчи ҳалок бўлди.

ЖАНГАРИЛАРГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР

Жазоирда ҳам ҳукумат қўшинлари мамлакатда фаолият кўрсатаётган жангариларнинг қароргоҳи ва аслаҳахоналарини йўқ қилиш бўйича тадбирларни амалга оширмоқда. Расмий хабарларга кўра, куни кеча мазкур тадбирлар натижасида 12 нафар жангари ўлдирилган . Июль ойи бошидан буён эса хавфсизлик кучлари томонидан 157 нафар қўпорувчи йўқ қилинди.

ҲАРБИЙ СОҲАДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ҳиндистон Россия Федерацияси билан ҳамкорликда замонавий қуроллар, жумладан, «Су-30 БК» жанговар самолётини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида . Ҳиндистон Мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, мазкур масала августда Москвада бўлиб ўтадиган Россия ва Ҳиндистон ҳарбий-техникавий қўшма гуруҳининг иккинчи мажлисида муҳокама этилади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Партия ва ҳаёт

САФЛАР ЎСИБ, ФАОЛЛИК ОШМОҚДА

«Ҳорманг-бор бўлинг» деган сўзлар замирида халқимизнинг ўзаро ҳурмати, меҳр-оқибати, бир-бирига кўмакка шайлиги каби хислатлар мужассам. Хирмон уйсангиз, иморат қурсангиз ёки бошқа катта ишга қўл урсангиз, ана шу сеҳрли сўзлар қайта-қайта такрорланади.

Бу йил Зафаробод тумани ғаллакорлари Жиззах вилоятида биринчи бўлиб зафар қучдилар. Ғаллакорлар дон сотиш режасини уддалаган бўлсалар-да, ҳали ғаллазорларда ўрим-йиғим қизғин давом этмоқда. Бу ҳосил мўллиги белгиси. Ўрим-йиғим билан бирга такрорий экинлар экиш, ундирилганларини парваришлаш ҳам авжида. Шу сабаб туман ҳокими ҳам, партия кенгаши биринчи котиби ҳам бошқалар қатори далада.

Туманнинг катта карвон хўжаликларидан бири Охунбобоев номли ижара ширкатлари бирлашмасига йўл олдим. Бирлашма директори Анвар Маматқулов билан ХДП бошланғич ташкилоти котибаси Улфатхон Мирзаҳошимоваларни топиш қийин бўлмади. Улар бирлашманинг мавжуд 1020 гектар ғаллазорида ўрим-йиғим тугаганлиги ва давлатга режадаги 1600 ўрнига 1700 тонна дон сотганлари ҳақида ғалаба муждаси ёзаётган эканлар.

Партия ташкилоти котиби қувончи бирлашма раҳбариникидан кам эмас. Комбайнчилар ва ғаллачилик звенолари бошлиқларини, ғаллазорда жавлон ўрганларни мақтайди. У ҳар бири 100 гектарга етказиб ғалла ўрган Қувондиқ Омонов, Боймат Ёқубов, Ҳайитбой Гулмуродов каби комбайнчилар баъзи кунларда 10-12 гектаргача ғалла ўрганини тилга олади.

— Қунт ва эътибор бўлса, бизнинг шўр ва гипс тупроқли еримизда ҳам ҳосил мўл бўларканку, — дейди у ён дафтарини варақлаб. — Мана, Нурмуҳаммад Эшонқулов билан Эркин Раҳматовлар бошлиқ звеноларда ҳар гектар ғаллазордан 40 центнердан буғдой олинди. Холбой Юнусов бошлиқ звено аъзолари 38 центнердан ошиpишди. Президентимиз айтганларидай, ғалла мустақиллиги кунларига етдик, мен шунга қувонаман.

Улфатхон шодликларининг яна бир сабаби шуки, юқорида номлари ёзилган илғорларнинг кўпчилиги ХДП аъзолари экан. «Партия аъзолари ўзларини амалий ишларда кўрсатаётгани уларнинг халқ орасидаги обрў ва мавқеини кўтармоқда», деди котиба.

Қўшни Собир Раҳимов номли ижара ширкатлар бирлашмаси ХДП бошланғич ташкилоти ҳисобида 210 нафар партия аъзоси бор. Хўжалик бошланғич партия ташкилоти котиби Кўчим Абдуғаффоров май ва июнь ойларида 16 киши партия сафига ўтиш учун ариза ёзганини, эрта-индин партия билетлари топширишини айтиб қолди. Улар орасида пахтачилик звеноси бошлиқлари Донабой Абдуғаффоров, Хайрулла Дўстбеков, боғча тарбиячиси Зулфия Қирғизбоева ва бошқалар бор. ХДП аъзоси Қаҳрамон Алибоев бошлиқ звено ғаллакорлари ҳар гектар ердан 42 центнердан хирмон уюб, мавсумни якунлабди. «Ҳорманг» дея уларнинг ҳузурларига келганимиз яхши бўлди. Чунки, шундай меҳрли сўз билан кўнглини кўтардик.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАРАДДУД

Ўзбекистон ХДП Бағдод туман кенгаши биноси хоналарида қўнғироқдай овозли қизлар ўқиётган шеърлар жаранглайди. Бу шеърларда ёр ва диёр мадҳи, она-Ватан истиқлоли, унинг буюк келажаги ҳақида куйланади. Шоира қизлар нечун туман кенгашига сертащриф бўлиб қолишди? Гап шундаки, ХДП туман кенгаши тумандаги адабий ҳаракатга оталиқ қилишни ўз зиммасига олган. Ёш ижодкорларнинг энг яхши ҳикоя ва шеърлари учун кўрик-танловлар ўтказилиб, иқтидорли ёшлар тақдирлаб борилмоқда. Туман кенгаши Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги шарафига бағдодлик шоира қизлар ижодининг сара намуналаридан тузилган «Қизлар гулдастаси» шеърий тўпламни нашрга тайёрламоқда. Мустақиллик байрами кунлари бу китобча мухлислар қўлига тегади.

Ҳа, Фарғона вилояти ХДП бошланғич ташкилотларида мустақиллик кунини кенг ва ҳар тарафлама мазмунли нишонлаш юзасидан тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Вилоятдаги оммавий ахборот воситаларида партия ходимлари Ўзбекистон ХДПнинг мустақилликни мустаҳкамлашдаги ўрни, партия ташкилотларининг бу борадаги вазифалари хусусида мақолалар, суҳбатлар билан чиқмоқдалар. «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда корхоналар, аҳоли яшаш жойлари, жамоа хўжаликлари, олий ва ўрта махсус билим юртларида «Ўзбекистон мустақиллиги: самарали йиллар, янги уфқлар» мавзуида мулоқот кунлари ўтказилмоқда. Уларда олимлар, партия, жамоат ташкилотлари вакиллари, турли идоралар ходимлари қатнашиб, йиғилганларнинг қизиқтирган саволларига батафсил жавоб бермоқдалар. Жойлардаги аҳвол билан танишиб, аҳолининг таклиф ва мулоҳазаларини тинглаб, тегишли чоралар кўриш учун қабул қилмоқдалар.

Мустақилликка бағишланган яна бир туркум тадбирлар олимлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этишни ўз ичига олади. Яқинда фарғоналик таниқли шоир ва адиб Йўлдош Сулаймоннинг Фарғона шаҳридаги тўқувчилар саройида ўтказилган вилоят Халқ демократик партияси ташкилотининг фаоллари билан учрашуви шеърият байрамига айланиб кетди.

— Истиқлол байрами — умуммиллий байрам, — дейди Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Абдурашид Мирсалимов. — Бу биз партия аъзолари учун ҳам улкан байрам, айни пайтда байрамни ташкилий жиҳатдан намунали ўтказишга ўзимизни масъул деб биламиз. Вилоят партия кенгаши Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг тўрт йиллигини муносиб нишонлашга бағишланган тадбирлар ишлаб чиқди. Унга кўра, ХДП шаҳар ва туманлар кенгашлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уюштириладиган халқ сайлларини, савдо-сотиқ ярмаркаларини, маданий-маиший тадбирларни амалга оширишда қатнашади. Байрам арафасида бошланғич партия ташкилотларида, меҳнат жамоаларида тантанали йиғилишлар ўтказилади. Кўнгилочар тадбирлар уюштирилади. Кам даромадли, боқувчисиз қолган оилаларга, ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИРИНЧИ НАВБАТДА АҲОЛИГА ТАРҚАТИЛАДИ

— Элимиз тўқ бўлади, — дейди Усмон Юсупов туманидаги Маҳтумқули номидаги жамоа ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Одил Ўринов. — Жами аъзоларимиз 48 нафар. Ҳозирги кунда уларнинг 10 нафари ғалла далаларида. Эшмурод Абдиев, Раҳматулла Хушманов, Мусурмон Ҳамроев сингари комбайнчиларнинг ҳар бири кунига 10-12 гектар ғалла ўрмоқда.

Бошланғич партия ташкилоти хўжалик маъмурияти билан ҳамкорликда бир қатор ишларни амалга ошираётир. ХДП аъзолари хўжаликдаги 9 та ширкат ва 4 та ҳудудий цех партия ташкилотида фаолият кўрсатишмоқда. Уларнинг жонбозлиги билан 1994 йилнинг охириги икки ой ичида 100 хонадон табиий газдан баҳраманд бўлди. Улар 1996 йилгача хўжаликни 100 фоиз газлаштириш ташаббуси билан меҳнат қилмоқдалар.

— Мамлакатимиз ҳаётида ижобий ўзгаришлар ясаётган иқтисодий ислоҳот талабларига асосан хўжалик тасарруфидаги 75 гектар ер майдони фермерларга ажратиб берилди, — дейди хўжалик бошқарувининг раиси, ХДП аъзоси Нуриддин Сатторов. — Бундан ташқари, 25 гектар боғни қишлоқ одамларига хусусийлаштириб бердик. Ерни ижарага ёки хусусийлаштириб бериш мулк ва меҳнатга бўлган муносабатларни тубдан ўзгартиряпти.

Хўжалигимизнинг умумий ер майдони 3700 гектар, шундан 1220 гектарига ғалла экканмиз. Ҳар гектаридан олаётган ҳосилимиз 35 центнерни ташкил этяпти. Мавсум тугагач, ғаллани биринчи навбатда аҳолига тарқатишни ният қилиб қўйганмиз.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎРИК ЯКУНЛАНДИ

Боёвут туманидаги «Тараққиёт» жамоа хўжалиги клубида Сирдарё вилояти ХДП шаҳар ва туман кенгашларининг ахборот бурчаклари, деворий газеталар ҳамда бошқа ахборот воситалари кўриклари ўтказилди. Унда деярли вилоятнинг барча шаҳар ва туман партия ташкилотлари ўзларининг ахборот ойналари, стендлари ва фотостендларини намойиш этдилар.

Сўнгги йилларда ахборот воситалари, хусусан деворий газеталар, варақалар, кўргазмали стендлар, плакатларни чиқариб бориш ва улар орқали партия ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ишлардан кўпчиликни хабардор қилиш йўлида вилоят партия ташкилотларида қатор ибратли тажрибалар тўпланмоқда. Хусусан, ХДП Гулистон шаҳар, Сирдарё, Сайхунобод, Боёвут туман кенгашларида бу борада ибратли ишлар қилинаётир.

Кўрикда бу борада қилинаётган ишларга якун ясалди ҳамда олдинда турган вазифаларга алоҳида эътибор берилди. ХДП ташкил топган куннинг тўрт йиллиги муносабати билан Сирдарё туман кенгаши ошкоралик кўриги ўтказилгани ва бу борада энг яхши ишларни амалга ошира олган бошланғич ва ҳудудий ташкилотларни рағбатлантириш учун пул мукофотларини таъсис этгани, бу сингари тадбирлар бошқа шаҳар ва туман партия ташкилотларида ҳам амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Партия ахбороти воситалари кўриги ишига ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Т. Исмоилов якун ясади ва галдаги вазифалар ҳақида гапирди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЛК БОР ТОШКЕНТДА!
Ўзбекистон бозорларида бундай сифатли молларни ҳозирча топиш қийин

ФИРМА МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Янгиобод даҳаси,
Толариқ кўчаси, 26.
Телефонлар: 95-56-80 - қабулхона зали,
98-47-92 - савдо зали,
98-47-95 - кўргазма зали.

KNOCK DOWN SYSTEM

АҚШ, ЯПОНИЯ, ИТАЛИЯ, ИНДОНЕЗИЯ, ТАЙВАНЬ ФИРМАЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ

Агар офисингиз кўриниши энг яхши жаҳон андозаларига мос келишини истасангиз, унда "Пойабзал ва спорт моллари" фирмасининг кўргазма залига ташриф буюринг. Биз сизнинг дидингиздаги офис мебели, канцелярия моллари, телефонлар, офис гилами, поёндози, калькуляторларни таклиф этамиз.

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ БИЗДА МУҲАЙЁ!

Ўзингдан чиққанга не етсин!

ЛУҚМАИ ҲАЛОЛ НЕЪМАТИМИЗ

Ўлкамиз балиқлари жуда мазали. Сабаб, иқлимимиз, муҳитимиз, суву ҳавомиз, бари-барчаси ўзгача. Шу боис луқмаи-ҳалол инсон танасига қувват, кўзига нур беради. Қолаверса, турли касаллик-иллатларнинг олдини олиш хусусиятига ҳам эга. Ана шуларни ўйлаганда республикамизда балиқчиликни ривожлантириш қанчалик зарурлигини яна бир карра ҳис этамиз.

Таассуфки, бугун жон таслим қилаётган Орол денгизи бир вақтлар бизнинг ҳақиқий балиқ заҳираларимиздан бири эди. Бироқ, собиқ Иттифоқнинг ўйламай тузилган режалари оқибатида денгиз суви билан бирга унинг балиқлари, ҳам йўқлик қаърига улоқтирилди.

Бир мисол. Иккинчи жаҳон уруши йилларида (олдин ва кейин) собиқ Иттифоқ бўйича овланган балиқнинг 80-85 фоизи Оролдан «сўриб» олинган. Собиқ «империя»нинг тўртдан уч қисми сувлик билан ўралганлигига қарамай бизнинг она-табиатимизга ана шундай қақшатқич зарба берилганди.

Эндиликда Орол денгизи ўзининг ҳақиқий эгаларига етарли миқдорда балиқ беролмаяпти. Яхшиямки, Орол фожеасини аввалроқ ҳис этган республикамиз ҳукумати, мутасадди ташкилотлар, балиқчилик соҳаси билан шуғулланувчи «Ўзбекбалиқ» концерни раҳбарияти ва бу ердаги мутахассислар табиий ва сунъий кўлларда бу соҳани ривожлантириш учун отга эртароқ қамчи урган эканлар. Шунисига ҳам шукр!

Яқинда биз Хоразм балиқчилик бирлашмасида бўлдик. У ерда меҳнат аҳли олиб бораётган ишлар, келгуси режалари ҳақида гапириб беришди. Бизга бу ерни «Ўзбекбалиқ» концернидан шунчаки тавсия қилишмаган экан. Ишлар салмоғи юқори. Меҳнат аҳлига эътибор алоҳида. Биз буларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Шу боис кўп йиллардан буён режадагидан ортиқ балиқ маҳсулотлари эл дастурхонига тортиқ этиб келинган. Бу йил улар 3 минг 500 тонна балиқ етиштиришни олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Шу мақсадда барча имкониятлар ишга солинмоқда.

— 1989 йилдан буён ушбу балиқчилик хўжалигига бошчилик қилиб келаман, — деди бирлашма раҳбари Йўлдош Сатторов. — Шу йиллар ичида айтса арзирли янгиликлар қила олдик. 3900 — 4000 тоннагача балиқ овланди. Кейинги тўрт йилдан буён балиқ чавақларини ўзимиз парвариш қилмоқдамиз. Бунинг учун инкубациямиз бор. Ўйлаб қарасак, уруғчиликни ривожлантирмай кўзланган марраға эриша олмаймиз. Махсус ҳовузимиз ҳам бор. Унда 3500 она балиқ парвариш қилинади. Амалий саъй-ҳаракатларимиз ўтган йили ҳам самарасиз кетмади. 2 минг тонна балиқни Хоразм халқига, 1,5 минг тоннасини Мўйноқ консерва заводига топширдик. Яна 500 тонна балиқни дудладик...

Балиқчилар шаҳарчаси даҳасида меҳнаткашларимизга яхшироқ шароит яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Тушлик овқатлар бепул.

Ҳақиқатан, Йўлдош аканинг суҳбатини тинглаб, қаерда аҳиллик бўлса, жамоа ишида кўтарилиш, барака, яшашларида фароғат ва қувонч бўлишини ҳис этдик. Тўғри-да, бирлашма меҳнат аҳли бирни икки, иккини тўрт қилишаётган экан, раҳбарият ҳам қўл қовуштириб ўтирмаслиги керак. Шу боисдан ҳам мазкур бирлашмада ютуқлар кўп, ишларида барака!

Бирлашманинг бугунги ёрдамчи хўжалиги жамоа корига ярамоқда. Ундаги 70 бош қорамол, 320 бош қўй, минглаб паррандa, 300 квадрат метр жойдаги лимонзор эса ҳақиқий маънодаги, иқтисодий жиҳатдан уларни айни кунларда ҳимоялашда муҳим озиқ-овқат манбаи бўлиб қолмоқда. Гилам цехида тайёрланаётган гиламлар эса арзон нархда ишчиларга сотилмоқда.

— Ўтган йилдан бошлаб бирлашмамиз акционерлик жамиятига айланганди, — деб яна гапни давом эттиради Йўлдош Сатторов. — Ҳозир акцияларимизнинг яхши айлана бошлаганлиги сабаб соф даромадимиз 25 фоизни ташкил этди. Натижада 11 миллион 700 минг сўмлик даромад кўрдик. Жорий йилнинг беш ойи давомида 5 минг тонна балиқ озуқаси, 8 тонна ёнилғи материаллари иқтисод қилинишига ҳам акциядорлик этагидан маҳкам тутаётганлигимиз сабабдир.

Бу йўлда биз бошқарувнинг ўнқир-чўнқирларида ёшларнинг ташкилотчилигини синаб кўрмоқдамиз. Ана шундай ёш участка бошлиқларидан бири Оллоназар Оллоберганов. Унинг хўжалиги бу йил 513 гектарлик сунъий ҳовузда 1,5 минг тоннадан ошиқ балиқ етиштириши керак...

Суҳбатлардан маълум бўлдики, бирлашмада айни кунларда балиқчиларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволини, турмушини яхшилаш борасида ҳам кўзга ташланарли ишлар амалга оширилаётган экан. Масалан, Янгиариқ тумани марказидан балиқчиларга 15 гектарлик ер ажратилган. У ерда яна янги шаҳарча қад ростлайди...



Биз балиқчилар ҳузуридан қайтар эканмиз, эл-юрт маъмурчилиги йўлида ишлаётган фидойиларнинг касб-корига унум, барака тилаб қолдик.

Маъмуржон УМРЗОҚ,
Абдуҳамид АБРОР.

СУРАТЛАРДА: 1. «Хоразмбалиқ» акционерлик бирлашмаси раҳбари Йўлдош Сатторов участка бошлиғи Оллоназар Оллоберганов билан долзарб ишлар ҳақида суҳбатлашмоқда. 2. Бирлашмада моҳир балиқчи Ражаббой Тожиев 8 йилдан буён фаолият кўрсатади.

Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.

"МУСТАҚИЛЛИК"

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН“...

ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Марказий Осиё бош муҳаррирлари ассоциацияси тузилганлиги ҳақидаги ахборот ва Бишкек анжуманида иштирок этган Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон бош муҳаррирларининг минтақамиздаги барча оммавий ахборот воситалари вакилларига Мурожаати учала республика газеталарида, жумладан Ўзбекистон матбуотида ҳам эълон қилинган эди. Азалдан қондош элларни бир-бирига янада яқинлаштиришга даъват этган ушбу ассоциация илҳомбахш сўз билан эзгу ниятларни амалга оширмоқда. «Казахстанская правда» газетасининг хабар қилишича, Бишкек учрашуви қатнашчилари ассоциациянинг уч нафар ҳамраисини сайлашган. Улар Қирғизистондан Қурманбек Раматов, Қозоғистондан Нурлан Оразалин ва Ўзбекистондан Азим Суюнлардир. Минтақа бош муҳаррирларининг кейинги учрашуви 1996 йил баҳорида Алмати шаҳрида ўтказиладиган бўлди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИ

1993 йил жаҳон чемпиони бўлган Муродилло Амируллаев рус шашкаси бўйича Москвада ўтган жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларида 8 нафар гроссмейстер ва 52 спорт мастери ўртасида иккинчи ўринни эгаллади. Шундай қилиб, у жорий йил кузида Эстониянинг Таллин шаҳрида рус шашкаси бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ЯНГИ ДОРИ ФАБРИКАСИ

Душанбеда «Тажик Ажентс Фарма Лимитед» Тожикистон—Ҳиндистон қўшма корхонаси қурилмоқда. Корхонада 28 хилдаги тиббий дори-дармонлар, жумладан, йилига 30 миллион таблетка ва 60 миллион ампула ҳамда капсула тайёрланади. Бунинг учун Ҳиндистон томони 5 миллион доллар маблағ ажратди. Ҳозир корхонага Ҳиндистондан келтирилган ускуналар ўрнатиляпти, 8 нафар ҳиндистонлик мутахассис бу ишлар билан машғул. Шу йилнинг август ойи охирида дастлабки антибиотиклар ва тана ҳароратини туширадиган дорилар тайёрлашга киришилади.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Тожикистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерациясининг Москва шаҳри ва вилояти ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик юзасидан битим имзоланди. Томонлар бозор иқтисодиёти шароитида ҳамкорлик ўзаро манфаатли эканини қайд этдилар.

ПАРТИЯ ЯНА РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Тожикистонда 1993 йил баҳорида фаолияти тўхтатиб қўйилган демократик партия яна қайтадан рўйхатга олинди. Мамлакат Олий суди ўшанда партияни ўз низомига риоя қилмагани ва конституциявий ҳукуматни қурол воситасида ағдариб ташлашга урингани учун айблаган эди.

Айни пайтда партия етакчилари Тожикистонда миллати ва эътиқодидан қатъи назар барча фуқаролар тенглигини таъминлайдиган ҳуқуқий давлат қуришни асосий мақсад, деб эътироф этмоқдалар.

ЎН ОЛТИ ТУЁҚЛИЛАР

Шарқий Қозоғистон вилоятининг кўпгина қишлоқларида жониворлар турли камчиликлар билан туғилмоқда. Одамларнинг хонадонларидаги уй ҳайвонларида бўлаётган бундай ўзгаришлар кўпчиликни ҳайрон қолдирмоқда.

Жумладан Маралди қишлоғида ҳар бир оёғида тўрттадан туёғи мавжуд бўлган улоқчалар туғилди. Чердаяк қишлоғида эса бўйни орқасига қайрилиб қолган бузоқча дунёга келди.

Олимлар бундай ғаройиб ҳодисани Олтой тоғ ёнбағирларидаги кескин экологик ўзгаришлар оқибати, деб шарҳлаётирлар. Чунончи Семипалатинскда бўлиб ўтган турли ядро портлашлари натижаси шу ерда ҳам кўринди. Собиқ Иттифоқ даврида бу жойларда кўплаб ядро портлатишлари ўтказилганди. Мана шу синовлар натижасида ушбу туманларда доимий равишда ғаройиб мавжудотлар дунёга келмоқда.

Эндиликда Қозоғистон мустақилликка эришганидан сўнг Семипалатинскда ядро синовларига чек қўйилди. Ўйлаймизки, бундан буён уй ҳайвонлари туғилишидаги ғаройиб ҳодисалар ҳам барҳам топади.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Боқий шажара

ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР

(Ўн олтинчи мақола)

Шундай қилиб, Чингизхон лашкари томонидан ўлканинг забт этилиши билан ўзбек халқи тарихида тўртинчи бор қарамлик даври бошланди. Чингизхон ва унинг авлодлари нафақат Туркистонни, балки ўша замондаги дунёнинг маъмур-ободон ўлкаларининг аксарини босиб олгандилар. Улар асос солган салтанат марказий Европадан Япон денгизигача, Ўртаер денгизидан Ҳиндихитойгача бўлган улкан ҳудудни ўз ичига олганди. Маданий равнақда бўйсундирилган халқлардан орқада бўлган Чингизийлар ҳукмронлиги қарам ўлкалар тарихий тараққиёт йўлида салбий из қолдирди. Чингизийларнинг ўлкамиздаги ҳукмронлиги 150 йил давом этган бўлса, шу катта давр ичида на ижтимоий-иқтисодий ҳаётда, на илму-маданиятда эътиборга молик бирон-бир тадбир амалга оширилди. Аксинча араблар босқини ва уларга қарамликдан сўнг бир неча юз йиллар давомида шу соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, тикланган анъаналарга катта завол етди. Кўплаб олиму фозиллар, шоирлар босқин йиллари ва ундан кейин ҳам паноҳ излаб тинч ўлкаларга, масалан Шимолий Ҳиндистонга кетиб қолган эдилар.

Чингизхон асос солган салтанатни улусларга бўлиб идора қилиш мўлжал қилинган бўлса-да, аммо ҳар бир улус (Улуғ юрт, Чиғатой, Жўчи (Олтин Ўрда), Ҳалокуийлар улуслари) мустақил равишда фаолият кўрсатибгина қолмай, бир-бировларининг «ерлари»га зуғум қилишдан ҳам тоймас эдилар. Хуллас, чингизийлар истибдодида қолган халқлар обдон эзилгандилар. Аммо бу ҳол уларнинг эркка бўлган интилишларини синдира олгани йўқ. 1238 йилиёқ Мовароуннаҳрда босқинчиларга қарши катта қўзғолон кўтарилиб, унга Бухородан чамаси 20 км. узоқликдаги Тороб қишлоғилик Маҳмуд исмли бир ҳунарманд бошчилик қилган. Қўзғолончилар тез орада Бухорони озод этишга муваффақ бўладилар. Шу билан бирга сўнгги олишувда Маҳмуд ҳалок бўлади. Унинг ўрнига сардорлик мақомига кўтарилган укалари Муҳаммад ва Али ҳам кейинги жангда ҳалок бўлади. Йўлбошчисиз қолган қўзғолончилар ҳаракати сустлашади.

Натижада улардан 20 минг киши ҳалок бўлади ва шу тариқа қўзғолон бостирилади. Шу ўринда биз қайси даражада бўлмасин моҳир ва оқил йўлбошчиларнинг тутган ўрни доимо беқиёс бўлиб келганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Нафсиламбирини айтганда, ушбу мақолада таҳлил қилинаётган давлатчилигимиз тарихий йўлининг темурийлар давридаги аҳволи ҳам худди мана шу масала билан кўп жиҳатдан боғлиқдир... Демак сўз Амир ТЕМУР ва ТЕМУРИЙЛАР ҳақида.

Чингизхон томонидан амалга оширилган салтанат тақсимотида Мовароуннаҳр, Еттисув, Қошғар унинг иккинчи ўғли Чиғатойга (вафоти 1242 йил) насиб этди. Манба тили билан айтганда «шундан кейин (бу ўлкадаги) ҳукмронлик узоқ вақтгача унинг авлодлари қўлида қолди». Ҳақиқатан ҳам Чиғатой авлодлари, яъни чиғатоийлар минтақада узоқ замон ҳукмронлик қилдилар. Аниқроғи, тегишли солиқларни қўлга киритиш билан асосан кифояланиб бошқарув ишини маҳаллий намояндалар ихтиёрига топшириб қўйгандилар. Ўзлари эса асосий вақтни маданий вилоятлардан ташқарида — биёбонлардаги қароргоҳларида ўтказиб келганди. Бу табиий ҳол эди. Чунки дашту биёбон воқелигида қанчалик сиёсий юксакликка кўтарилмасинлар, аммо маданий ўлкадаги турли йўналишлар жараёнини улар ҳали эплай ололмасдилар. Улар кўп йиллик ҳукмронлик давомида бу нуқсонни бартараф этишга уринганликлари ҳам маълум. Масалан, чиғатоийлардан Кепакхон (1318-1326) ўз қароргоҳини биёбонда эмас, Мовароуннаҳрнинг ўзгинасида қуришга жазм қилиб Насаф шаҳридан 12-14 км. нарида бир сарой қурдиради. Сарой муғул тилида «қарши» дейилган. Кейинчалик сарой атрофида бошқа иморатларнинг бино этилиб бориши билан бу ерда бутун бир шаҳар барпо бўлиб, саройнинг муғулча мутақобили «қарши» унга ном бўлиб қолади. Кепакхон шунингдек, ўлкада маъмурий ва пул ислоҳотларини ўтказишга ҳам урингани маълум. Ундан кейин ҳукмронлик қилган Тармаширинхон (1326-1334) ҳатто мусулмончиликни ҳам қабул қилганини биламиз. Аммо бу билан улар барибир минтақа тарихий-маданий ҳаёт йўлига буткул мослаша олмадилар. Чиғатоийхон Қазон (вафоти 1346 йил) даврига келиб эса ички вазият кескинлашиб йирик амирлар тўғридан-тўғри ҳукмрон хонадонга нисбатан ўз тазйиқини ўтказа борадилар. Натижада амир Қазоған (Қазаған) Қазонхонни нобуд этишга муваффақ бўлади. Қазон Султон ўлдирилгандан кейин, деб ёзади ўша замон тарихчиси, амир Қазағон ўлкадаги воқеликни назарда тутиб (Чиғатойликлардан бўлмиш) Донишмандчани ҳукмрон деб эълон қилади.

Кўриб турганимиздек, илк бор сохта хонларни эълон қилиш амир Қазоған даврида юз берган. Аммо амалда бутун ҳокимият унинг ўзи қўлида қолаверган. Ўша пайтда ўлка сиёсий-бошқарув тизимида юз берган шароитни ўша тарихчи қуйидагича таърифлаганди: «(Амир Қазоған давридан бошлаб) хонлик тизими амирлик бошқарувига ўзгарди».. Яъни расман хонлик ҳокимияти тан олинсада, лекин амалда давлат инон-ихтиёри Амир қўлида эди. Амир Қазоғандан сўнг унинг ўғли Абдуллоҳ отаси каби сиёсат юргиза олмади. Натижада ўзи сиёсий кураш қурбони бўлди. Ундан кейин амирликни қўлга олган Баён сулдуз зарбсиз ва қатъийликдан маҳрум эди. Шу сабабдан ҳам мамлакат ичкарисидаги сиёсат бўшашиб XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳрда бошбошдоқлик вазияти юз берди. Фикримиз далили сифатида Низомиддин Шомийнинг қуйидаги гувоҳлигига эътибор берайлик. Бу вақтда Кеш (Шаҳрисабз) вилоятида Ҳожи барлос, Хўжандда амир Боязид, Балх ва баъзи вилоятларда амир Қазоғаннинг набираси амир Ҳусайн, Шибирғонда амир Муҳаммадхожа, Бадахшонда ҳам маҳаллий ҳокимлар, Қатлон (Хутталон), Арҳангда амир Кайхисрав ва амир Ўлжойту, Самарқанд вилоятида эса амир Хизр Йасурий ўзбошларича ҳокимлик қилардилар. Табиий равишда улардан ҳар бири олий тахтни қўлга киритиш пайида бўлганликлари хусусида шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу борада, айниқса, амир Ҳусайн тиришқоқлик кўрсатарди. У ўзини тилга олганимиз амир Қазоған набираси сифатида улуғ амирлик рутбасига ворис деб биларди.

Чиғатоийлар измида бўлиб келган Еттисув ва Қошғардаги вазиятга келсак, бу ерда бир қатор нуфузли амирлар томонидан хонлик тахтига Туғлуқ Темур ўтқазилди. Худди мана шу Туғлуқ Темур 1360 йили Мовароуннаҳрда чиғатоийлар ҳукмини қайтадан тиклаш учун бу ерга лашкар тортади. Мазкур муносабат билан илк бор Амир Темур номи тилга олинади.

Амир Темур ҳижрий 736 йил шаъбон ойининг 25ида сешанба куни кечқурун (1336 йил, 8 апрель) дунёга келган.

Амир Темурнинг отаси Тарағай (вафоти 1360 йил) Кеш вилоятида истиқомат қилиб келган барлос уруғининг амирларидан бири бўлган. Барлос бу туркий уруғдир. Масаланинг бу томонига алоҳида урғу беришимизга сабаб, айниқса илгари (ва баъзан ҳозир ҳам) барлос бу туркийлашган муғул уруғидир қабилидаги ақида ҳукм сурган. Ваҳолонки чингизийлар даври машҳур тарихчиси Рашидиддин барлослар ҳақида баённи «Нирун деб таърифланувчи туркий қавмлар зикрида» бобида келтириб, мазкур масала ўша замондаёқ ойдек равшан бўлганини тасдиқлайди. Яъни барлос бу моҳият эътибори билан туркий қавм.

Амир Темурнинг отаси Тарағай ҳақида асл манбаларда тўлиқ маълумотлар келтирилмаган. Шу билан бирга манбалардан бирида келтирилишича, Ниёзий (Ачиғий) қишлоғи Амир Темурнинг меросий мулки бўлган. Демак бу қишлоқ унинг отаси Тарағайга тегишли бўлган.

Шунга кўра хулоса қилиш мумкинки, амир Тарағай замонасининг ўзига тўқ кишиларидан ҳисобланган. Бу ҳол табиий равишда Амир Темурнинг ёшлигиданоқ моддий жиҳатдан таъминланган ҳолда ўсганини билдиради. Одатда ўзига тўқ оилалар ҳамма замонларда фарзандларига яхши билим ва тарбия беришга интилиб келганлар. Амир Тарағай оиласи ҳам бундан мустасно эмасди. У ўғли Темурга ҳам дунёвий, ҳам диний илмлар олиши учун тегишли шароит яратиб берган. Иккинчи томондан эса туғма истеъдод ва ўткир хотира соҳиби бўлмиш Амир Темур турли соҳа илмларини ўзлаштиришда ғоят тиришқоқлик билан ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам ўрта аср тарихчилари унинг тарих, шеърият, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик борасидаги салоҳияти ҳақида алоҳида сўз айтиб ўтганлар. Амир Темурнинг шахмат ўйнагани ҳам маълум. Унинг хотираси нечоғлик бўлганига ишора бўлмиш бир ажойиб ривоятга кўра, Амир Темур Шерозни бўйсундирганидан сўнг ўз одатига кўра шаҳарлик олиму фозилларни шаҳар масжидига йиғиб, улар билан суҳбат, турли мавзуларда баҳс ўтказа бошлабди. Йиғилганлар орасида машҳур форсийзабон шоир Ҳофиз (вафоти 1390 йил) ҳам бор экан. У нафақат истеъдодли шоир балки Қуръони каримни ёддан, ўн тўрт оҳангда ўқий биладиган ҳофиз ҳам эди (тахаллуси ҳам шундан). Амир Темур унга, сен ҳофиз бўлсанг, «Арофат» сурасини охиридан бошига қарата оятма-оят ўқиб бергинчи, деб мурожаат қилганда, у бундай қилиш мумкин эмас деган экан. Шунда Амир Темурнинг ўзи йиғилганлар танлаган «Бақара» сурасини охиридан бошигача оятма-оят тескарисига ёддан ўқиб, еттинчи оятга етганида кишилар ҳайратдан таҳсинлар ўқий бошлаган эканлар. (Тарихий манбаларда Амир Темурнинг 1387 йили, яъни Ҳофиз ҳали тириклиги пайтида Шерозда бўлгани ҳақида маълумот бор).

Демак, кўриниб турганидек, Амир Темур ёшлигиданоқ ғоятда билимли, кенг дунёқарашли, камёб истеъдод эгаси бўлган. Табиий равишда бундай шахслар одатда кўпчилик назарига тушмай қолмайди. Шу билан бирга отаси амир Тарағайнинг ўзига яраша тутган мавқеи ўғли Темурнинг танилишида озми-кўпми хизмати бўлгани аниқ (бунинг исботини биз қуйироқда кўрамиз). Хуллас юқорида зикр этилганидек, Туғлуқ Темурхоннинг 1360 йил феврал-март ойларидаги Мовароуннаҳрга юриши вақтида Амир Темур ўзига яраша сиёсий фаолият юргизишга қодир, эл-юрт олдида ўз бурчини англаб улғурган шахс сифатида етилиб бўлганди.

Амирлардан Хизр ва Боязид Туғлуқ Темур қароргоҳига бош эгиб борадилар. Ҳожи барлос эса Хуросон томон жўнашга жазм қилади. Афтидан унинг хизматида бўлган Амир Темур ҳам у билан бирга йўлга чиқади. Аммо Амударё бўйида Амир Темур Ҳожи барлосга мурожаат қилиб шундай деган: «Агар икковимиз ҳам ватанни тарк қилсак, меросий юртимиз шубҳасиз бегоналар қўлига ўтади. Лозим топсангиз мен подшоҳ (Туғлуқ Темур) хизматига борсам». Меросий мулкимиз деганда бу ерда Амир Темур Кеш вилоятини назарда тутгани аниқ. Мўлжали ҳам ойдин: Туғлуқ Темурдан Кеш вилояти ҳокимлигини олиш. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди: нуфузли амирлардан ҳожи Сайфиддин соҳибқироннинг фаҳм-фаросати ва салоҳияти, афтидан ўз замонаси учун қадрли бўлган насл-насаби ҳақида таҳсинли сўзларни айтиб Туғлуқ Темур олдида унинг обрў-эътиборини кўтаради. Натижада Амир Темурга Кеш вилояти ҳокимлиги топширилади. Бу вақтда у 24 ёшда эди. Бир қаранганда Туғлуқ Темурнинг бу юришидан сўнг Мовароуннаҳрда ҳам чингизийлар хонадони мавқеи амалда тиклангандай бўлиб кўринсада, аслида маҳаллий йирик амирлар ҳануз мустақил сиёсат юргизишга интилардилар. Шунинг учун ҳам келаси йили баҳорда яна бир бор Туғлуқ Темур катта қўшин билан Мовароуннаҳрга келади. Бу сафар ҳам Амир Темур Кеш вилояти ҳокимлиги мавқеига эришади. Бунда унга отасининг дўсти амир Ҳамид ёрдам беради. Аммо бу ҳол узоққа чўзилмайди, чунки кетиш олдидан ўғли Илёс Хожани Мовароуннаҳрда қолдирган Туғлуқ Темур амир Бикижакни (Бигичак) ундан бохабар бўлиб туришга тайинланганди. Амир Бикижак эса тез орада маҳаллий амирлар билан келишмовчилик ва уларга нисбатан тазйиқ ўтказиш йўлига ўтиб олади. Афтидан бундай вазият Амир Темур учун ҳам хавф туғдирган. Бундай вазиятда Амир Темур Кешда ва умуман, Мовароуннаҳрда қололмасди. Шунга кўра у ватанни тарк этиб, кейинги деярли тўққиз йил давомида тилга олганларимиз амир Қазоғаннинг набираси амир Ҳусайн билан аввал ёнма-ён, сўнгра эса қарама-қаршиликда фаолият кўрсатади.

Нима учун Амир Темур амир Ҳусайн билан бирга ҳаракат қилган, - деган савол туғилиши табиий. Амир Ҳусайн бошданоқ бобоси амир Қазоған давридаги ўз хонадони мавқеини тиклашга интилиб келарди. Шу сабабдан ҳам Туғлуқ Темурнинг сўнгги 1361 йилги Мовароуннаҳрга келишида унга қарши чиққан ва кучи етмай Амударё ортига чекинишга мажбур бўлган. Аммо тахт учун курашдан тоймаган. Бунинг устига бу вақтда қазоғонийлар ҳукмронлиги даврида манба тили билан айтганда, «парвариш топган» қораунослар (яъни чингизийлар даврида Чиғатой улуси ғарбий қисмларига — Мовароуннаҳр, Хуросонга шарқдан келиб ўрнашган ва маҳаллий туркий аҳоли таркибига сингиб кетган туркий, муғул қабилалар) орасида унинг мавқеи баланд эди. Амир Темурнинг обрўси эса ҳали бу даражада эмасди. Худди шунинг учун ҳам у амир Ҳусайн томон интилган. Уларнинг икковини ҳам бир умумий душман бирлаштирганди. 765/1363-1364-йили улар Мовароуннаҳрни муғуллардан халос этишга муваффақ бўладилар, Илёс Хожа жуфтакни ростлаб қолади. Ҳусайн улуғ амирлик даражасига эришади. Худди бобоси давридагидек чингизийлардан бўлмиш Қобилшоҳ расман хон деб эълон қилинади. Аммо бутун ҳокимият амир Ҳусайн қўлида мужассамлашганди. Амир Темурга эса яна Кеш вилояти насиб этади.

1365 йил баҳорида тарихий Муғулистондан (Еттисув ва Қошғар) лашкар тортиб келган Илёс Хожа амир Ҳусайн бошлиқ лашкарни мағлубиятга учратади. Бу воқеа 22 майда Тошкент ва Чиноз оралиғида қаттиқ ёғингарчилик шароитида содир бўлган (шунинг учун ҳам бу олишувни «Лой жанги» деб тилга олинади). Мағлуб томон, жумладан Амир Темур ҳам Мовароуннаҳрни тарк этиб, Амударё орқасига чекинишга мажбур бўлади. Аммо муғуллар зафари узоққа чўзилмайди. Самарқандга қилган юришларида улар Мавлонзода Самарқандий, Хўрдак Бухорий, Абу Бакр наддоф Калавий бошлиқ сарбадорлар томонидан қақшатгич зарба еб, ортга қайтиб кетадилар. Сарбадорлар ҳаракати алоҳида тадқиқот учун мавзу бўлгани сабаб, бу ерда биз бир масала: сарбадорлар ва Амир Темур муносабатига ўз фикримизни билдириб ўтмоқчимиз. Сарбадорлар ғалабаси ҳақидаги хабар аввал Амир Темурга ва у орқали амир Ҳусайнга етиб борган. 1366 йил баҳорида амир Ҳусайн ва Амир Темур Самарқандга келади ва Конигилда ўтказилган ғалаба маросимида амир Ҳусайн буйруғи билан сарбадорлар йўлбошчилари ва афтидан фаол иштирокчилари қатл қилинадилар. Амир Темур туфайлигина Мавлонзода ҳаёти сақланиб қолингани маълум. Маълумотлардан кўриниб турибдики, сарбадорлар «масаласи»ни амир Ҳусайн ҳал қилган, Амир Темур унга аралаша олмаган ҳисоб. Сабаби ҳам маълум: бу вақтда ҳали унинг ҳарбий-сиёсий мавқеи бунга имкон бермасди. Амир Ҳусайн ва сарбадорлар муносабатига келсак, амир Ҳусайн уларга ўз сиёсий рақиби сифатида қарагани шубҳасиз. Манбалардан бирида диққатни тортувчи гувоҳлик бор: сарбадорлар ғалабасидан сўнг самарқандликлар Мавлонзода итоатига ўтиб, «уни имом ва амир (сифатида) қабул қилганлар». Яъни Самарқандда ҳам диний, ҳам сиёсий ҳокимият Мавлонзода қўлида мужассамлашган. Унинг бу «имомлиги ва амирлиги» кам деганда Самарқанднинг ўзида деярли бир йил давом этган. Афсуски, ихтиёримизда ана шу бир йил давомида Самарқандда бўлган ўзгаришлар жараёни ҳақида батафсил маълумотлар йўқ. Аммо бу бир йил ижтимоий-сиёсий муносабатлар нуқтаи назаридан бекор ўтмагани аниқ. Шу маънода амир Ҳусайннинг сарбадорларга нисбатан тутган сиёсати моҳиятини тушунса (оқлаш эмас) бўлади.

Амир Ҳусайн учун ўз сиёсий рақибларини заифлаштириш ва мавриди келса улардан қутилиш сиёсати нечоғлик муҳим бўлганини Конигил воқеасидан сўнг билиб олиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, энди амир Ҳусайн қандай бўлмасин Амир Темур мавқеига болта уриш ишига жиддий равишда киришади. Бунинг учун энг аввало Амир Темур атрофини «бўшаштириш» ва сўнгра уни фаол сиёсий ҳаракатдан четлаштиришни мақсад қилиб қўйган. Чунончи у Амир Темурнинг бир қатор сафдошлари ва яқин амирларига нисбатан сиқув ўтказа бошлади. Улар орасида соҳибқироннинг қариндоши амир Жоку, юқорида тилга олинган амир Сайфиддинлар ҳам борлиги айтилса, амир Ҳусайн кўзлаган режа янада ойдинлашади. Гапнинг қисқаси 1365-1370 йиллар Амир Темур ва амир Ҳусайн аро кураш йиллари бўлди ва у соҳибқирон ғалабаси билан тугади.

1370 йил 9 апрель чоршанба куни нуфузли амирлардан Шайх Муҳаммад сулдуз, Кайхисрав Хутталоний, Ўлжойту апарди, Довуд дуғлот, Сарбуға жалойир, Жоку барлос, Муайяд арлот, Бадахшон ҳокими Шайх Муҳаммад, Ҳусайн баҳодир ҳамда бошқа амирлар ва сардорлар, саййидлардан саййид Барака, термизлик ака-ука саййидлар Абул Муолий ва Али Акбар ҳузурида Амир Темур ҳокимияти бир овоздан тан олинади. Бу вақтда Амир Темур эндигина ўттиз тўрт ёшга кирганди. Шу тариқа 150 йиллик сиёсий қарамлик, бошбошдоқлик, иқтисодий ва маданий тараққиётдаги қолоқлик даврига расман чек қўйилади. Олдинда эса бир қатор мушкул ва муҳим вазифаларни ҳал этиши керак бўлган амалий тадбирлар силсиласи турарди.

Дастлабки мақолада давлат, давлатчилик моҳияти ҳақида фикр юритиб, биз уни жамиятдаги барча ички ва ташқи имкониятларни рўёбга чиқарувчи ташкилотчи деб таърифлагандик. Шу маънода муғуллар ҳукмронлиги даврида давлатимиз ўз ташкилотчилик қобилиятини амалда ифода этиш имконига эга бўлмади. Чунки сиёсий ҳуқуқ қўлдан кетганди. Қарамлик, эрксизлик ҳукмфармо эди. Ҳар қандай қобилият эса фақат эркинлик шароитидагина ўзлигини намоён қила олади. Қарамликка чек қўйилиб давлат-ташкилотчи ўзининг ҳақиқий эгалари қўлига ўтгач, жамият яна бир бор ўз имкониятларини рўёбга чиқариш шароитига эга бўлди. Бу имкониятлар нималардан иборат эканлигини эса биз аввалги даврлар тарихи баёнида кўрдик. Яъни ички сиёсий, иқтисодий-савдо, маданият ва ташқи сиёсатидаги имкониятлар. Демак, Амир Темур ана шу тўрт асосий йўналишда давлат фаолиятига бошчилик қилиши керак эди. Худди ана шу фаолият билан боғлиқ кенг қамровли жараён Амир Темур даври давлатчилигимиз сиёсати моҳиятини ташкил этади.

Амир Темур давлат бошқарувини ўз қўлига олган бўлса-да, аммо мавжуд шарт-шароитда амалий қадамлар қўйиб бориш ниҳоятда оғир эди. Зеро, мамлакат ё бирон-бир вилоят ёки ижтимоий табақа орасида каттагина мавқега эга бўлган амирлар ҳозирча унинг ҳукмронлигини тан олган бўлсаларда, улар билан Амир Темур ўртасидаги муносабат бундан кейин уларга ва улар намояндаси бўлмиш ижтимоий муҳитга нисбатан юргизиладиган сиёсат билан кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам шу йилнинг ўрталарида Самарқандда ўтказилган қурултойда Амир Темур тамом вилоятлардан нуфузли амирлар, лашкарбошиларни йиғиб уларнинг ҳар бири мавқеи ва мартабасига қараб бирон-бир мансаб ва мулк (вилоят, туман, шаҳар) тақсимлаб берди, каттадан-катта совғалар улашди. Шу маънода «Тузуклар»даги соҳибқироннинг қуйидаги таъкиди диққатга сазовордир: «Булардан мол-дунёга ҳирс қўйган очкўз ва таъмагирларига мол-ашё ваъда қилдим, мансаб мартабага ва мамлакатларни бошқаришга кўз тиккан амалпарастларни қўл остимдаги мамлакат ва вилоятлардан бирига (ҳокимлик) қилишга номзод қилиб кўрсатдим». Нафсиламбирини айтганда, мазкур сиёсат моҳият эътибори билан ҳар қандай замон ва жамият давлатчилиги учун табиий бир ҳолдир. Аммо соҳибқирон ўз ҳокимиятини (аниқроғи, миллий манфаат мужассамлашган давлат ҳокимиятини) мустаҳкамлашда яна бир тарихий тадбирни амалга оширдики, бу давлатчилик моҳиятини англашдаги унинг салоҳияти нечоғлиқ теран бўлганлигидан далолат беради. Тарихий манбаларда ёзилишича, Амир Темур чиқарган дастлабки фармонларда йўллардаги хавфсизлик, почта, қатнов воситаларини таъминлаш, қўшинлар юриши, жанглар оқибатида хароб бўлган ерларни обод этиш, работлар (меҳмонхоналар, тўхташ жойлари), хонақоҳлар қуриш, камбағал ва мискинлар учун хайрхоналар очиш ҳақида сўз кетган. Шунингдек, у саййидлар, дин пешволари, қозилар, шайхларга, яъни мусулмон жамиятида ўзига хос мавқе ва таъсирга эга табақага катта икром билан қарашини билдирди. Илм-фан ривожи учун йўл очди, талабаларга каттадан-катта стипендиялар тайин этишни буюрди.

Бу билан у узоқ йиллар давомида мамлакат ҳаётини қамраб олган, жамият тараққиётига ва истакларига зид бўлган жараёнга чек қўйилгани ва бундан буёнги ҳаёт жамиятнинг турли табақалари (дин пешволари-ю, олимлардан то мискину савдогарларгача) манфаатида қурилишини билдирди. Ўзининг ўттиз беш йиллик фаолиятида Амир Темур учун бу бош сиёсат бўлиб қолди. Гарчи ўз даври фарзанди сифатида у бунда ўз ҳокимиятини сақлаш вазифасини ҳам уйғунлаштириб юборган бўлса-да, аммо объектив равишда унинг фаолияти ўзбек давлатчилиги ва жамияти тараққиёти учун улкан тарихий хизмат қилди.

Шу тариқа Амир Темур ўз олдида турган биринчи катта тадбир заминини тайёрлади. Бу тадбир ҳар қандай халқ давлатчилиги, хусусан, ўзбек давлатчилиги, тарихи-табиатида мутлақ ҳақиқат — мамлакат сиёсий бирлиги ва яхлитлигини амалда таъминлашдан иборат эди. Тарихий -маданий тараққиёт йўлида асосий жиҳатлардан умумийликка эга бўлиб келган ва шу туфайли ҳам бир мамлакат, бир халқ сифатида танилган ва шу орқали ривожланиш, юксалиш шароити ва имкониятларига эга бўлиб келган макон ва жамият яхлитлигига эришмасдан туриб бошқа сиёсий, иқтисодий ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга ошириб бўлмасди. Бу йўлдаги хатти-ҳаракатлар Амир Темур учун осон кечмади. Аммо нима бўлганда ҳам 70-йилларга келиб мамлакат сиёсий яхлитлигига асосан эришиб бўлинганди. Шу ерда биз бир масалага диққатни тортмоқчимиз. Совет даврида тарихимизнинг у ёки бу саҳифаси сиёсий манзарасига мурожаат қилинганда асосан «совет» даврида сунъий равишда ўрнатилган «Ўзбекистон ССР» чегаралари орқали мушоҳада этиларди. Агар тарихий воқелик мана шу чегарадан «четга» чиққудек бўлса, у ҳолда мазкур тарихий вазият ўзга юртларга босқинчилик сифатида баҳоланарди ва аксинча: агар, масалан, минг йил бурун Еттисувда асос топган Қорахонийлар сулоласи Мовароуннаҳрга лашкар тортса, яъни замонавий «Ўзбекистон ССР чегарасини» бузса, бу ҳол ташқи тажовуз сифатида кўрсатиларди. Ваҳолонки, энг қадимги замонлардан бери бизнинг ота-боболаримиз, яъни туркий халқлар Дон дарёсидан Узоқ Шарққача, Шимолдан Ҳиндистонгача бўлган улкан ҳудудда истиқомат қилиб, уни умумий ватан деб билиб, бир катта оила фарзандларидек яшаб келганлар. Шунинг учун ҳам Амир Темурнинг Олтин Ўрда (бугунги Қозоғистон, Шарқий Европанинг бир қисми), Муғулистон (Еттисув, Қошғар), Хуросон (Шимолий Афғонистон, Шарқий Эрон), Сейистон, Шимолий Ҳиндистон каби минтақаларга ҳарбий юриши ана шу умумий макон ичра осойишталикка эришиш, ҳамма учун фойдали савдо-сотиқ, илмий алоқаларни бир маромда йўлга қўйиш ниятида амалга оширилган ҳаракатлар эди дейилса ҳар жиҳатдан тўғри бўлади. Бу Амир Темурнинг ё унинг учун қилинаётган ихтиро эмас. Ундан олдин ҳам, ундан кейин ҳам бу моҳият ўз аҳамиятига эга эди ва сақланиб қолган. Иккинчи томондан, Олтин Ўрда, Муғулистонда фаолият кўрсатаётган сиёсий кучлар Амир Темур ҳокимиятига хавф солиб турардилар. Масалан, Олтин Ўрда хони Тўхтамиш Амир Темурнинг мамлакатда йўқлигидан фойдаланиб, 1387-1388 йилларда Мовароуннаҳрга ҳужум уюштириб, талон-торожлик билан шуғулланган. Бу билан кифояланиб қолмасдан Хоразм вилоятида ҳокимлик қилиб турган арбобларни, чунончи, Сулаймон Суфийни марказий ҳокимиятга қарши ҳаракатларга ундаган. Амир Темур бунинг олдини олиши керакмиди? Албатта! Шунинг учун ҳам 1389-1395 йиллар оралиғида у уч маротаба Тўхтамишхонга нисбатан ҳарбий юришлар уюштириб, уни тор-мор қилишга муваффақ бўлган. Худди шунга ўхшаш Амир Темур Муғулистонга ҳам бир неча маротаба юришлар уюштириб, ўз сиёсий рақибларининг кучини кесиш йўлида ҳаракат қилди. Зеро, у Туғлуқ Темурхоннинг Мовароуннаҳрга қилган ҳарбий юришларини ва умуман, муғулистонлик сиёсий кучларнинг бу юртга нисбатан тутган сиёсатини яхши биларди. Масалан, 1376 йили Амир Темурнинг Самарқандда йўқлигидан фойдаланиб, Муғулистоннинг йирик амирларидан Қамариддин Фарғонага ҳужум уюштирганини эслаш кифоя.

Хуллас, Амир Темур даврида минтақа халқлари сиёсий аҳволига назар ташлагудек бўлинса, шу нарса маълум бўладики, юқорида тилга олинган улкан ҳудудда яшаб келган туркий халқлар ўзаро яқинлашувида, бир сиёсий марказ остида бирлашувида (турли шаклларда албатта) соҳибқирон олиб борган фаолият жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Шу маънода Ғарбнинг машҳур олимларидан бирининг фикри диққатга сазовор. Унга кўра, чингизийлар ҳукмронлиги давридаёқ Фарғонадан Волгагача бўлган ҳудудда яшовчи **«тоза турклар»** хоразмшоҳлар давридаги салтанатнинг ўрнида ўз **«миллий буюк давлатларини»** барпо этиш (яъни тиклаш маъносида) га киришгандилар. Шу билан бирга, деб давом этади муаллиф, Туркистоннинг бу миллатчилари Чингизхон ёсоқлари ўрнида мусулмон асослари, шариат қонунларини тиклашни хоҳлагандилар. Кейинги XIV аср (охирги чорагида) буюк Темур ҳам худди шу вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйганди.

Мамлакат, минтақа бирлигини таъминлаш сиёсати бошқа бир қатор тадбирлар анжоми билан бир вақтда олиб борилиши кераклиги табиийдир. Булар давлат бошқарув тизимини ташкил этиш, фан ва маданият аҳволини анъанавий даражага олиб чиқиш, савдо-сотиқ муносабатлари тараққиёти учун барча йўлларни очиш, мавжуд тўсиқларни йўқотиш, деҳқончилик, ҳунармандчиликни ривожлантириш, ташқи сиёсий-дипломатик алоқаларни йўлга қўйиш, давлатимизнинг халқаро муносабатлардаги азалий мавқеини қайта тиклашдан иборат эди. Энг муҳими, мазкур йўналишларда юқори натижаларга эришиш маълум маънода ташқи омилларга ҳам боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ички сиёсатнинг юксалиб бориши ўз ўрнида давлат олдига ташқи фаолиятда тегишли вазифаларни қўяди. Масалан, биз аввалги мақолаларда кўриб келдикки, қайси бир давлат халқаро савдо йўлларида устунликка эришса ўз ички тараққиётидаги аҳволи ҳам шу даражада бўлади. Юқоридагиларнинг барчасини назарда тутган ҳолда, шу нарсани таъкидлаш мумкинки, **Амир Темур давлатни буюклик даражасига кўтариш, мамлакатни тамом дунё сиёсий, иқтисодий, маданий марказига айлантиришни ўзига бош мақсад қилиб қўйганди.** Ана шу дастурнинг ташқи фаолият билан боғлиқ амалий тадбирларини ўша давр шарт-шароити учун табиий бўлган ҳарбий юришларсиз тасаввур қилиб бўлмасди. 80-йилларда Эрон, 90-йилларда эса Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Шимолий Ҳиндистоннинг Амир Темур томонидан бўйсундирилишини худди мана шу жиҳатлар орқали тушунтирмоқ керак деб ўйлаймиз (биз бу масалага яна тўхталамиз).

Яна шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, унинг «Тузуклари»да ҳамда тарихий манбаларда ёзилишича, у қарама-қаршиликни доимо сиёсат ва тадбир орқали ҳал этиш тарафдори бўлган. Душмани хиёнат қилса, сўзида турмаса, ўз юртидан чиқиб унинг сарҳадларига ҳужум қилса, ё аниқ хавф туғдирса, йўлига тўғаноқ бўлса, у ҳолда уларга нисбатан қаттиққўллик ва шафқатсизлик билан муносабатда бўлинган.

Амир Темур 1405 йилнинг 18 февраль куни Ўтрорда вафот этади. У умрининг энг сўнгги дақиқаларигача фақат бир нарсани — эл-юрт осойишталиги ва равнақини ўйлайди. Буни фарзандлари, яқинлари ҳамда аёнларига қилган васияти орқали ҳам яққол кўришимиз мумкин: **«(Зўравонликка) монелик қилиш ишини кечиктириш мамлакатни хавфу ғавғо остида қолдиради, жумлайи ҳалойиқнинг ҳузур ҳаловатини бузади, маслагу тариқатнинг бузилишига олиб келади. Қиёмат куни буни биздан сўрайдилар, суриштирадилар. Шу кундан эътиборан фарзандимиз (яъни набирамиз ' А. З.) Пирмуҳаммад (ибн) Жаҳонгирни ўзимизга валиаҳд ва тожу тахт вориси этиб тайинладикким, Самарқанд тахти унинг амри фармонида бўлгай, тамкинлик ва истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раиййатнинг муҳим юмушлари билан машғул бўлсин. Сизлар эса унга тобелик ва бўйсуниш маросимини ўрнига қўйинглар, биргаликда уни қўллаб-қувватланглар, токи олам бузилмасин...**

Мамлакат манфаати ва халқлар фаровонлиги бобида (кишилар тажрибасида) нимаики айтилган бўлса, ёдда тутинглар. Раиййат ва қўл остингдагилар аҳволидан бехабар қолманг. Қилич сопини шижоат ва мардлик қўли билан маҳкам ушланглар, шундагина мен каби подшоҳлик тизгинини мустаҳкам тутгайсизлар. (Шу йўл билан) мен Турон ва Эронни мухолифлар ва муфсидлардан тозаладим, адолат ва эҳсон орқали обод этдим. Агар менинг васиятларимга амал қилгудек бўлсангиз, адолат ва ҳимматни ўзингизга мақсад қилиб олсангиз, давлат ва мулк узоқ йиллар давомида сиз билан қолгай. Агар ораларингда (ҳатто) бир қадар қарама-қаршилик юз бергудек бўлса, (билингки унинг) оқибати яхшилик билан тугамайди. (Чунки бундай шароитда) душманлар фикрини фиску фасод қамраб олади ва (бу сизлар учун кўплаб кутилмаган) қийинчиликларни туғдиради».

Ўз ҳукмронлик йиллари давомида дунёнинг ўша замонлардаги маъмур ўлкаларининг деярли барчасини (Хитойдан ташқари) у ёки бу шаклда бўйсундиришга муваффақ бўлган Амир Темурнинг мазкур сўнгги хоҳиши билан дастлаб чиқарган ва биз келтириб ўтган фармонлари мазмуни билан солиштирилса қуйидаги фикр ва мақсад ойдинлашади: ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИ. Шу маънода бир фикрни айтмоқчимизки, бунга тарихчи-ҳамкасбларимиз ҳам қўшилишларига ишонамиз. Қайси бир замон ё ҳукмдор фаолиятини ёритишга бағишланганидан қатъи назар, бирон-бир тарихий манбада ё муайян давр манбаларида, у ёки бу ҳукмдорнинг эл-юрт осойишталиги ва фаровонлиги борасида Амир Темурчалик қайғургани ва фаолият кўрсатгани ҳақида кўп сўз айтилмаган. Албатта, бугунги кунда туриб бир неча асрлар олдинги замон ва унинг ҳатто бир буюк намояндаси фалсафасига аниқ баҳо бериш ғоят мушкул. Шундай бўлса ҳам киши бир савол устида ўйламасдан иложи йўқ: Амир Темур бутун жаҳон узра шунчаки ўз ҳукмронлигини ўрнатмоқчи эдими ё Хитойни олгандан сўнг дунёнинг тамом маъмурий қисмида қандайдир бир умуминсоний ижтимоий ҳаётни ташкил этмоқчи бўлганмиди? Унинг авлодларидан бўлмиш Акбарнинг Ҳинд заминидаги фаолиятини эслаб, умуминсонийлик ғоялари ўша замонларда юзага келганига амин бўламиз.

Ўзининг 35 йиллик фаолияти давомида Амир Темур қайси бир тадбирга қўл урмасин доимо уни поёнига етказиб мақсадга эришган. Аммо бир масалада у ҳам заифлик қилди: У ҳам дейишимизга сабаб — бу масалани ундан олдин ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч бир даврда ҳал этилмаганидадир. Сўз ўзбек давлатчилиги тараққиётида бошқарувдаги давомийлик усули ҳақида. Ўтган сулолалар мисолида ҳам биз кўрдик: қандайдир бир сиёсий арбоб ўз абжирлиги, донолиги — бир сўз билан айтганда, буюклиги билан нафақат ўз сулоласини, балки бутун давлатни, халқни, мамлакатни юксакликка олиб чиқади. Ундан кейин эса худди мана шу давомийлик масаласи ҳал қилинмагани сабаб илгариги буюклик ва юксакликка катта зиён тегади. Мазкур масала ечимини ўша давр шарт-шароитлари, анъаналари орқали тушунтириш мумкин ва бу кўп ҳам салоҳият талаб қилмайди. Аммо бу нуқсон ўнлаб асрлар давомида панд бериб келаркан, у ҳақда жиддийроқ ўйлашни тараққиётимиз талаблари тақозо этади.

Буни янада теранроқ ҳис этиш учун Амир Темур ўлимидан сўнг мамлакатда юз берган жараён билан танишиш зарар қилмайди.

Шундай қилиб, Амир Темур тайинлаган номзод Пирмуҳаммаднинг тахтга чиқиши у ёқда турсин, кечагина бутун дунёни ларзага солиб турган салтанат маркази темурийлар хонадони намояндалари аро кескин зиддият ўчоғига айланганди. 1409 йили Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳруҳнинг (1409-1447) қўли баланд келган ҳолда ўзаро курашларга охири чек қўйилади. Туроннинг Сирдарёгача бўлган қисми ҳамда Эронда темурийлар хонадони ҳукмронлиги сақланиб қолади. Мовароуннаҳрни Шоҳруҳ ўз ўғли Улуғбекка (1409-1449) топширади. Тўғри Шоҳруҳ даврида ҳам мамлакат ички ҳаётида осойишталик, савдо-сотиқ, иқтисодиёт равнақи, фан ва маданият, маънавиятга эътибор ҳеч қачон сусаймаган, давлатимизнинг халқаро обрўси ҳам ўзига яраша бўлса-да, аммо давлатчилигимиз имкониятларини Амир Темур замонидаги манзараси йўқолганди.

Аниқроғи, давлатнинг зарби, буюклиги кетиб бўлганди. Буни қаранг, темурийларга тобе Озарбайжон Қорақўйунлилар қўлига ўтган кезларда Шоҳруҳ уч маротаба (1421, 1429, 1434) у ерга юриш қилиб ўз ҳукмини тиклайди. Лекин ҳар сафар орқага қайтганидан сўнг Қорақўйунлилар яна Озарбайжонни забт қилаверадилар. Бу ҳол давлат зарби йўқолиб борганидан далолат беради, албатта. Худди шунга ўхшаш вазиятни Улуғбек бошқарган Мовароуннаҳр мисолида ҳам кўришимиз мумкин. 1427 йили Улуғбек лашкари қўшни Дашти қипчоқ сиёсий кучларидан мағлубиятга учрайди. Шундан кейин ҳам уларга қарши бирон-бир жиддий тадбир қўлламайди. Натижада чегара вилоятларга ташқаридан тажовузлар кучайиб боради. Биз бу билан Шоҳруҳ ва Улуғбек ҳарбий юришлар уюштириб туришлари керак эди, деб масалани қатъий қўймоқчи эмасмиз. Аммо давлат тақдири учун жавобгар кучлар доимо унинг манфаатини ҳимоя қилиб боришлари керак. Албатта, ўз замонаси шарт-шароит доирасида. Давлатнинг ташқи манфаатларини ҳимоя қилишдаги сустлик ички сиёсатда эртами-кечми ўз таъсирини кўрсатади. Буни биз Шоҳруҳ ўлимидан сўнг юзага келган вазият орқали ҳам кузатишимиз мумкин. Отасидан сўнг Турону Эронни бир марказ остида бирлаштиришга уринган Улуғбекка омад ёр бўлмади. Бу тадбирни кейинги темурийлар ҳам уддалай олмадилар. Аксинча, Мовароуннаҳр ва Хуросон ўртасида кучли зиддият юзага келди. Бу сулола намояндалари ўртасидаги кураш натижасида вужудга келган, таъбир жоиз бўлса «сунъий» зиддият эди. Мовароуннаҳрда Абу Саъид (1451-1469), Хуросонда Абулқосим Бобур (1452-1457) ўз бошларича ҳукмронлик қилардилар. Темурий намояндалар, жумладан, мазкур Абу Саъид мақсадига эришиш йўлида ўз хонадонининг доимий рақобатчиси ҳисобланиб келган даштиқипчоқлик сиёсий кучларга суянган пайтлари ҳам бўлганини эслатиб ўтиш жоиз. Албатта, биз бу ерда даштиқипчоқлик Шайбонийларнинг машҳур намояндаси Абулхайрхонни назарда тутмоқдамиз. Абу Саъид худди мана шу Абулхайрхон ёрдамида Мовароуннаҳр тахтини эгаллашга муваффақ бўлган. Аммо ярим аср ўтиб, Абулхайрхон авлодлари аввал Мовароуннаҳрда, кейин эса Хуросонда темурийлар фаолиятига умуман чек қўйишини у бу вақтда хаёлига келтирган дейсизми.

Абулқосим Бобур ўлимидан сўнг Абу Саъид учун Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳамда Эрон узра ўз ҳукмини ўрнатиши учун имкон туғилган бўлса-да, лекин Султон Ҳусайн Бойқаронинг (1469-1506) Хуросон тахтини эгаллаши билан яна икки томонлама зиддиятга йўл очилиб, кундан-кун ошиб борган. Бу ўз ўрнида умуман темурийлар хонадони кучини қирқиб борарди. Мана қаранг, Мовароуннаҳрда Султон Аҳмад ҳукмронлиги даврида (1469-1494) аввал Сайрам (1482), кейин Тошкент (1485) Муғулистон хонлари тасарруфига тушади. Фарғона доимий хавф остида қолади. (Кейинчалик Муҳаммад Шайбоний Самарқандга юришида худди мана шу Тошкентда ўрнашиб олган муғулистонлик сиёсий кучларга қаттиқ таянган).

Хуросонда ҳам аҳвол бундан афзал эмасди. Шоҳруҳ ўлимидан сўнг Ғарбий Эрон темурийлар тасарруфидан бутунлай кетиб бошқа бир туркий сулола Қорақўйунлилар қўлига ўтади (Шу аср 60 йиллари охиридан эса Қорақўйунлилар ўрнини Оққўйунлилар эгаллайдилар). Демак, Султон Ҳусайн ва унинг авлодларининг сиёсий фаолияти, аниқроғи, ўзаро келишмовчиликлари жуда тор доирада: Хуросон ва Шарқий Эрон ҳудудларида кечган.

XV аср сўнгги йиллари ҳам Мовароуннаҳрда, ҳам Хуросонда темурийлар учун ички сулолавий низолар, келишмовчиликлар кучайган пайтлар бўлди. Самарқанд тахти учун Абу Саъид набиралари Бойсунғур (1477-1499), Султон Али (1483-1501) ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ўзаро кураш олиб борганлар (Султон Али ва Бобур биргаликда Бойсунғурга қарши). Хуросонда эса Султон Ҳусайн Бойқаро бир оёғи Марв ва Обиварда, бир оёғи Астрободда бўлиб ўғиллари кўтарган исёнларни бостириш билан овора эди. Бу ҳам етмагандай Бадахшон ҳокими ҳам ички низолардан фойдаланган ҳолда Балхга зуғум қилиб турарди.

Хуллас, «чиқаси келса эгаси сабабчи бўлади» деганларидек Туроннинг Дашти қипчоқ қисмидан бош кўтариб кучга тўлиб келаётган бошқа бир туркий сулола Шайбонийларнинг жанубга томон юришлари арафасида Темурийлар хонадони ички зиддиятлар таъсирида ғоятда заифлашиб қолганди. Шайбонийлар бундай вазиятдан усталик билан фойдалана билдилар. 1501 йили Самарқанд, 1504 йили эса Фарғона уларнинг тасарруфига ўтиши билан Мовароуннаҳр масаласи ҳал бўлди ҳисоб. 1507 йили Ҳирот олингандан сўнг эса Темурийлар ўзларининг энг йирик сиёсий марказларидан айрилдилар. Хуллас, шу йилларга келиб Сирдарёдан ҳозирги Афғонистон марказий қисмларига қадар минтақа Шайбонийлар қўлига ўтганди.

Шундай қилиб, биз Амир Темур ва унинг авлодлари фаолияти орқали XIV аср ўрталаридан XV аср бошларигача минтақамизда кечган сиёсий муносабатлар қисқача тарихи билан танишиб чиқдик. Қизиғи ва сабоқли томони шундаки, Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши мамлакатдаги сиёсий бошбошдоқлик ва ички низоларга чек қўйган бўлса, унинг номи билан боғлиқ сулола тақдирини оқибатда худди шу ҳол ўзаро келишмовчилик ва тарқоқлик ҳал этди.

Азамат ЗИЁ,
Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.

Ёднома

ЖАМОЛИДДИН АКАНИНГ САБОҚЛАРИ

Жамолиддин Асомиддиновни (Алп Жамол) эсласам, кўз олдимга «Ўтган кунлар» келади. Юсуфбек Ҳожининг «бу даргоҳдан ҳеч бир кимса кўнгли ранжиб чиқиб кетмаслиги керак» деган кўп ибратли гапи бор. Жуда таъсирли, топиб айтилган бу жумлани Жамолиддин ака ҳам тез-тез қайтарар эдилар. Илгари ёш эдик, бу гапга унча эътибор қилмасдик, мана энди ёшимиз улғайганда бу гапнинг маънисини англаб турибмиз. Бу ўринда айнан Жамолиддин ака «талқинини» назарда тутаяпман.

Чиндан ҳам бу инсонга бирор кишининг дилини оғритмаслик, бекорга бировни ранжитмаслик, рўзғор ташвиши билан остона ҳатлаб кириб келган танишми-нотанишми қуруқ қайтармаслик одат эди, тарбия эди.

Энди билсак, Юсуфбек Ҳожининг бу ўзбекона лутфини Алп Жамол шунчаки чиройли гап ўрнида ишлатиш учунмас, балки ўз умри мазмуни, ҳаёти мантиқи билиб, унга амал қилиш учун, туриш-турмуши шиори деб билган экан.

Жамолиддин ака билан биз яқин қариндош бўламиз. У киши отамнинг тоғасига фарзанд бўлар эди. Болаликдан бирга ўсгандик. Биздан ёши каттароқ бўлгани учун давраларимизда у киши бош бўларди. Унинг адабиёт, санъат, аскияга усталиги ўша даврдан қолган. Ҳаммани роса кулдирарди. Навоий ғазалларини ёддан биларди, Бедилнинг фалсафий сатрларини ўрни-ўрнида ишлатиб ҳаммани лол қолдирарди. Чустийни ёд айтарди. Ғафур Ғулом, Шайхзода, Ойбек акалар ижодини яхши биларди.

Бизнинг ҳам адабиётга меҳр қўйишимизда ўша суҳбатларнинг таъсири бор. Доим кулиб, аския қилиб юргани билан бу одамнинг бошидан кўп сир-синоатлар ўтди. Табиатида адолатсизлик, нопоклик, тилёғламалик каби иллатлар йўқлигидан, мана шундай қусурларни кўрганда чидаб туролмас, тагдор қилиб «узиб» оларди. Мана шу феъли учун ҳам у академиядан ҳайдалди, бозорда паттачилик қилди, маҳалла қўмитасида ишлади. Бу давр у ҳаётни чуқурроқ билишга, камчилик, нуқсонларни пайқай олишга имкон берди. Кейинчалик Ўзбекистон ойнаижаҳонида ишлаганида бу унга асқотди. У ёзган интермедиялар, ҳажвиялар, пьесалар айнан ўзининг ҳаётийлиги, тилининг бойлиги, иллатларни жуда топиб-билиб очиб бериши билан ўзига хосдир.

Журналистика билан шуғулланиб, адабий нарсалар ёзиб юрган бўлсам-да, ҳажвий асарларга мойиллик, интермедиялар яратиш Жамолиддин акадан «юққан» деб ўйлайман.

Биз кейин ҳам тез-тез кўришиб турардик. Кеннойимиз (жойлари жаннатда бўлсин) хўп пазанда аёл эдилар. Акамиз эса тансиқ, кучли таомларни яхши кўрардилар. Бир гал кеннойимиз ипакдай бўлиб кетган паррак-паррак қазили шилпилдоқ келтирдилар. Жамолиддин ака овқатни ола туриб:

— Хўш, жиян, ҳамманинг китобини чиқаряпсан, қачон меникини чиқариб берасан, — деб қолдилар.

— Шилпилдоқ пайтида ҳам шунақа гапни гапирасизми, — дея ҳазил билан гапни олиб қочмоқчи бўлдим.

— Ҳа, ваъда шу шилпилдоққа қўшилиб ёпишиб қолсин-да, жиян, — дегандилар ҳозиржавоблик билан.

Баъзан ҳар хил мулоҳазаларга бориб қариндош-уруғчиликка йўйилмасин деб шу ишга жазм қилмабман. Афсус, аслида ҳақиқий яхши асар бундай мулоҳазалардан юқори туриши керак экан. Ваҳолонки, Алп Жамолнинг ўзбек интермедиячилигига қўшган ҳиссаси шак-шубҳасиз каттадир. Ҳозир ҳисоб-китобли замон бўлиб қолди, одамлар орасида меҳр-оқибат, одамгарчилик аввалгиларга ўхшамайди. Қариндош-уруғчилик ҳам шунга яраша. Жамолиддин ака эса қариндош-уруғларнинг иссиқ-совуқ маъракасидан қолмас, ўзи бош-қош бўлар, етишмовчилик бор жойларда хизматини аямасди. Кичкина бир баҳона топиб ҳам қариндошларнинг бошини бирлаштирар, уруғда кимнинг нима ташвиши, муаммоси бор суриштирар, масалани ўртага ташлаб, ечимини топар, ёрдам керак бўлса биринчи ўзи бошлаб ибрат бўларди.

Ҳаётда ҳамма ҳам бир текис эмас, бировнинг оиласида қуйди-чиқди бўлиб қолса, қозиликни ҳам қотирарди, раҳматли. Ҳажвияларида ишлатилган захарханда гаплари билан, ўрни келса тўрт сатр шеър ўқиб, ҳикмат айтиб, хуллас, ишни хамирдан қил суғургандай ҳал қиларди.

Худога шукур, ҳозир қариндош-уруғларимиз эл қатори ҳалол яшаб, ҳалол луқмасини ошаб, маҳалла-кўйда ўз обрў-эътиборига эга экан, бунда бу зотнинг ҳам анчайин улуши бор. Мен бу гапларни яна шунинг учун ҳам айтяпманки, қандай шароит бўлмасин, маҳалла, кўни-қўшнидан хабардор, уруғ-аймоқдан узилмаган одам кейин ҳам фақат яхши ном билан эсланади. Эсланадигина эмас, унинг тарбияси, меҳнати мева бераверади.

Мен яна шунга хурсандманки, Жамолиддин аканинг фарзандлари ҳам отасига тортди. Ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топди. Юртпарвар, маҳаллапарвар бўлиб ўсишди. Яқинда улар ота-оналари учун хотира дастурхони ёзишди. Шу ерда ўтириб, кўп хотиралар кўз олдимга келди. Фарзандларнинг шаҳди, камолини кўриб кўнглим тоғдай кўтарилди. Оллодан ҳаммага шундай фарзандлар сўрадим. Айниқса, Муҳиддин. Назаримда Жамолиддин акамнинг мана шу ўғиллари энди отаси қилган ишни давом эттирадигандай туюлди — қариндош-уруғни бирлаштириб, уларнинг бошини қовуштириб турадиган бир азамат бўлмаса, манаман деган уруғ ҳам тарқаб кетади. Фарзандларининг ҳаммаси ажойиб. Лекин бу ишни бир киши қиладиган бўлса — унда Муҳиддин. Ишинг ўхшаса ҳам, умринг отангникига ўхшамасин, болам.

Гап шундаки, Жамолиддин ака эрта оламдан ўтиб кетдилар. Умуман, кўз тегмасин, уруғимиз узоқ яшайдиганлардан. Оталари Асомиддин тоғамиз 106 йил умр кўрдилар, бувимиз 93 ёш, акалари Камолиддин тоға 93 йил, адамиз 91 йил умргузаронлик қилдилар. Адамизни Жамолиддин ака тоға дердилар. Адамиз оғир-вазмин, жиддий одам эдилар. Кўпчилик ҳайиқиб турарди. Жамолиддин ака шундай одамни ҳам бир пастда кулдириб юборарди,

Жамолиддин аканинг қанд касали бор эди. Парҳезни ўзига олмади, қази-қарта ейишни қўймади. Бўлмаса у ҳам ҳали анча яшарди. Чунки, тетик, бақувват эди. Ижоди айни гуллаганда оламдан ўтди.

Ҳуқуқшунос олимлар дарғаси Отабой Эшонов хеш бўлардилар. Шундай салобатли, илмли одам ҳам «Жамолиддин бор даврада мен адабиётда унга тенглашолмайман» дер эдилар. У кишининг ўғиллари мамлакатимизда йирик ҳуқуқшунослардан, Олий Мажлис депутати, қўмита раиси Баҳодир Эшонов ҳам Жамолиддин ака таълимини олган.

Мен юқорида бу одам кўп ташвишларни бошидан кечирган дедим. Анча йиллар олдин катта ўғли қизи билан йўл четида кетаётганда машина уриб, иккаласи ҳам оламдан ўтди. Ҳайдовчи отишга ҳукм қилинганда, уни отса болаларим тирилиб келармиди, деб айбдорнинг гуноҳини кечиб юборди. Ана шу бағри кенглиги, саховатпешалиги учун кейин қатор фарзандли бўлди. Уларнинг ҳам умри буларига қўшиб берилган бўлсин.

Уни тўғри сўзлиги учун ишдан бўшатишганда, эсимда бор, кулиб «мени ишдан бўшатишгани билан, қаламимни ишдан бўшата олишмайди-ку» деганди. Чиндан ҳам одамни ишдан олиш мумкин, лекин унинг касбини, ҳунарини, тажрибасини олиб бўлмайди-ку! Буни ўз бошимдан ўтказганим учун ҳам айтаяпман. Бу ҳам ул зотдан бизга қолган бир мактаб, бир сабоқ. Агар ҳаммамиз ҳам мана шу сабоққа риоя қилиб яшасак, иншооллоҳ, албатта рўёбга чиқамиз.

Ислом ШОҒУЛОМОВ,
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош директори.

Суратда: Ж. Асомиддинов (ўнгдан иккинчи) замондош ёзувчилар билан.

АЛП ЖАМОЛ НОМИДАГИ МУКОФОТ

Мустақиллик шарофати билан миллий адабиётимизни ҳар жиҳатдан ривожлантириб боришга кенг йўл очилди. Шу кунларда маънавий ҳаётимизни янада бойитиш ва такомиллаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабиётимизнинг турли соҳаларини рағбатлантиришга чоралар изламоқда. Уз вақтида Алп Жамол тахаллуси билан қалам тебратган ёзувчи ва драматург Жамолиддин Асомиддиновнинг хизматларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Матбуот маркази ҳамда «Алп Жамол» фирмаси ҳамкорликда Алп Жамол номидаги 100.000, 50.000, 25.000 сўмлик учта мукофот таъсис этди.

Ушбу мукофот танловида барча ёзувчилар, драматурглар ва режиссёрлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. Мукофот адиб таваллуд топган кун — 22 августда топширилади.

Халқаро футбол

ГУЛЛИТ ҲАМ ДОҒДА ҚОЛДИ

· Хитойда футболни ривожлантириш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш ва халқаро довруғ қозонишга ҳаракат кучайиб кетди.

Маълумки, кейинги пайтларда Хитой шаҳар-қишлоқларидаги футбол учрашувларини жуда камдан-кам одам келиб кўрар, ўйинлар осойишта давом этарди. Эндиликда мамлакатда футболга эътибор бошқача тус олган. Биз бунга Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинларида футболчиларимиз билан учрашувларда ҳам шоҳид бўлдик. Ҳаммаси АҚШда бурноғи йили ўтказилган жаҳон чемпионатидан кейин бошланди. Ўшанда жаҳон чемпионатининг энг қизиқарли ўйинларини телевидение орқали томоша қилган хитойлик мухлисларда футболга муносабат ўзгарди.

Ҳозир мамлакатда Ғарб мамлакатларида бўлгани каби ашаддий ишқибозлар юзага келганки, улар шунчаки олқиш билан кифояланмай, бақириқ-чақириқлар, ҳар турли товушлар, қўшиқ ва мусиқа садолари янгратишга зўр бермоқдалар. Ҳар бир учрашувга ўртача 20 минг томошабин келаётгани ҳам бежиз эмас. Ҳар қалай бундай қизиқувчанлик футболчиларга ҳам таъсирини кўрсатдими, навбатдаги халқаро учрашувда миллионлаб ишқибозларнинг кўнгиллари таскин топди.

Гап шундаки, машҳур голландиялик тўпурар Рууд Гуллит иштирок этаётган Италиянинг «Сампдория» клуби билан Хитой терма жамоаси ўртасидаги учрашувда кутилмаганда майдон эгалари 1:3 ҳисобида ғалабани қўлга киритишди. Лекин, бундай ғалабага ўзига хос сабаблар ҳам кўрсатилмоқда. Аввало учрашувни ўйингоҳда 70 минг, телевидение орқали 100 миллион киши томоша қилганини алоҳида қайд қилиш керак. Бундан ташқари ишбилармон, тадбиркор ва йирик фирмаларнинг соҳиблари ҳам қараб туришмади. Чунончи, «Сампдория» дарвозасига киритилган ҳар бир тўп эгасига 100 минг юан (12 минг долларга яқин) мукофот ваъда қилишди. Шунингдек, энг яхши ўйинчига енгил машина калити бериладиган бўлди. Умуман, Хитой терма жамоасининг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши учун ҳомийлик ёрдами кўрсатишга эътибор кучаймоқда.

КУЛГУДАН ОЛАМ ЯШАРГАЙ

Туғуруқхона даҳлизида кутиб турган эркак ҳаяжонда. Ниҳоят ҳамшира унга қоп-қора чақалоқни олиб чиқиб кўрсатди.

— Хотинимдан бошқачасини кутмагандим, у ҳамиша куйдириб юборади!..

***

Доктор ҳузурига келган мижоз қураклари ораси оғриётганидан шикоят қилди.

Доктор ундан сўрайди:

— Чекасизми?

— Йўқ.

— Ичасизми?

— Йўғ-е.

— Аёллар билан юрасизми?

— Йўқ.

— У ҳолда куракларингиз орасидан қанот ўсиб чиқаётган бўлса керак.

***

Черненко ўлим тўшагида ётарди. У заиф қўллари билан нариги дунёга қўнғироқ қилиб дўсти Брежнев билан гаплашмоқчи бўлди.

— Айтчи, Леонид Ильич, бирор нарса олволайми? Балки у ерда нимадир етишмас?

— Ҳа йўқ, Костя, бу ерда маъмурчилик коммунизмдагидек дейиш мумкин. Фақат қошиқ ва вилка олиб олсанг кифоя.

— Нима бало, маъмурчилик дейсану, қошиқ ва вилка йўқ бўлса!

— Ҳаммаси бор! Фақат ошхонада Гитлер навбатчилик қилганда ҳамма коммунистларни ўроқ ва болға билан овқат ейишга зўрлайди...

***

Франциядан келган аёл Москва бўйлаб сайр қилар экан канализация ўрасига тушиб кетди.

Бир амаллаб чиққач норози оҳангда тўнғиллади:

— Наҳотки хавфли жойларни қизил байроқчалар билан ўраб қўйишнинг иложи бўлмаса?

— Хоним, сиз СССР чегарасидан ўтганингизда қатор турган қизил байроқларни кўрмадингизми? Сизга яна нима керак?

МИНИАТЮРАГА АСОС СОЛИБ

Биз кўп йиллар мобайнида Жамол ака билан бир жойда яшаганмиз. У киши менда билимдон, адолатли, мард ва меҳмондўст киши сифатида чуқур таассурот қолдирган.

Жамол акага сиртдан қараганда атрофимиздаги оддий кишилардан фарқи бўлмай эл қатори ҳаёт кечирарди. Аммо ҳаёт тажрибаси, билими бой ва ранг-баранг бўлиб, ижоди ҳамиша қайнаб турарди. У адабиёт, тарих ва умуман маданий меросимизни чуқур, атрофлича биларди. Аҳмад Яссавий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Навоий, Машраб, Юсуф Сарёмий ва бошқа алломаларнинг ижоди билан яхши таниш эди. Сарёмийга нисбатан ҳурмати шунчалик зўр эдики, Сайрамга бориб ташландиқ қабрини топиб, тартибга келтирган эди. Жамол ака суҳбатда иккинчи жаҳон уруши арафасида тил, адабиёт ва тарих институтида ишлаганлиги, Навоий юбилейи бўйича тайёргарлик ишларида қатнашганлиги ҳақида кўп гапирарди. Унинг айтишича, юбилей комитети Навоий ҳақидаги янги маълумотларни тўплашга аҳамият бериб, пул мукофоти таъсис этган. Жамол ака Навоийнинг Гули исмли севгилиси борлиги ҳақидаги маълумоти учун комитет томонидан 500 сўм пул билан тақдирланган экан. Бу ўша вақт учун катта маблағ эди, албатта.

Жамол ака ўзининг бутун фаолияти давомида ҳажвий асарлар, пьесалар ёзиш билан шуғулланиб, маданиятимиз ривожига ўз улушини қўшган. Маълумки, ҳажвий асар ёзиш, уни саҳналаштириш ниҳоятда машаққатли иш ҳисобланиб бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун муаллиф турмуш икир-чикирларини, ҳар бир инсоннинг феъл-атворини яхши билиши, ўта фаросатли, зеҳнли, кузатувчан, ҳозиржавоб, «сўз ўйини»нинг моҳир устаси бўлиши шарт.

Жамол ака Саид Аҳмад, Элбек Мусаев, Эргаш Каримов, Розахоним, Ҳасан Йўлдошев, Ҳусан Шарипов, Садр Зиёвуддинов, Абдураҳмон Аҳмедов, Эргаш Раимов ва бошқа ўз касбининг фидойилари билан биргаликда телевидениеда «ўзбек миниатюраси»га асос солди. Телевидениеда миниатюрадек таъсир доираси ва самараси катта бўлган кўрсатувни топиш қийин. Уларда орзу-ҳавас, дард-алам, қувонч, нафрат, манманлик, икки юзламачилик, ғийбат, туҳматчилик, лаганбардорлик, мансабпарастлик, бойвачалик, қуйинг-чи, кундалик ҳаётнинг барча яхши ёки ёмон ҳодисалари беозор кулгу билан тасвирланади.

Алп Жамол тахаллуси билан кўплаб ҳажвий асарлар яратган ажойиб дўстимизниг хизматлари ҳеч қачон унутилмайди. Жойлари жаннатда бўлсин.

Ҳамид ЗИЯЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор.

ОТАМ ЎГИТИ

Отам Алп Жамол (Жамолиддин Асомиддинов) ўн бешинчи йили Тошкент шаҳрининг Чувалачи маҳалласида таваллуд топган. Билим олишга ёшлигидан иштиёқи баланд бўлгани сабаб ўрта мактабни битиргач институтга киришга ҳаракат қилган. Бироқ бойнинг фарзанди бўлгани учун уни қабул қилишмаган. Шундай бўлса-да, отам ўзбек мумтоз адабиётини, Туркистон халқлари тарихини мустақил равишда мукаммал эгаллайди. Араб, форс ва тожик тилларини пухта ўрганишга киришади. 40-50 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлайди. Бу даврда у кўплаб шеър, достонлар ёзади. Мўғуллар босқинчилигига қарши курашда мислсиз матонат кўрсатган халқ қаҳрамони Жалолиддин Мангубердига бағишланган «Жалолиддин» достони ўша йилларда ёзилган бўлиб, бу асарга атоқли олим, шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода юқори баҳо берганлигини айтардилар. 1950 йили «Навоийнинг диний қарашлари» мавзуида институтда илмий кенгаш бўлиб ўтади. Кенгашда айрим олимлар Навоий динга қарши бўлган ва ҳаттоки у худога ишонмаган деган фикрларни билдиришади. Отам сўзга чиқиб, уларнинг фикрларини қоралайди ва Навоийнинг шеърларидан ҳамда тарихчи олим Хондамирнинг асарларидан мисоллар келтириб, Навоий диннинг ҳомийси бўлганлигини исбот қилишга ҳаракат қилади. Бу нутқи учун отам ўша куниёқ ишдан бўшатилади. Бир йил ишсиз юриб «Хастимом» бозорига ишга киради ва етти йил бозорда ишлайди.

Олтмишинчи йил отам ҳаётида катта фожеа юз берди. Алпиддин деган ўғли билан Марҳамат деган қизи машина ҳалокатида ҳалок бўлишади. Алпиддин «Алп Жамол» тахаллуси билан ёшлигидан шеърлар, кичик ҳажмдаги пьесалар ёзган, яхшигина расмлар чизган. Ўта қобилиятли бўлган бу фарзандига отамнинг меҳри ўзгача, уни катта адиб бўлади, деб умид қилар эди. Умидсизликка тушмаган отам «Алп Жамол»ни ўзига тахаллус қилиб, яна адабиётга кириб келади. Ўзтелерадиода мухбир, «Телеминиатюралар» бўлимида муҳаррир бўлиб ишлайди.

Отам бутун меҳрини, борлигини фарзандларига бағишлаган иймони бутун инсон эди. У киши: «Болам, учта нарсага меҳр қўймагин: фарзандга, молу дунёга, уй-жойга» дердилар. Биз етти фарзанд отамизнинг меҳр-иродасини, меҳмоннавозлиги, камтар-камсуқумлиги, одамийлигини ўзимизга юқтиришга интилиб келамиз. Ҳаётда бирор муаммога дуч келсак, беихтиёр «Шу ўринда отамиз нима қилган буларди» деган мулоҳазага борамиз. Ана шунда падари бузрукворимиз гўё бизга ғойибдан мадад бўлгандек бўладилар. Руҳнинг қўллаши деб шунга айтсалар керак-да.

Худога минг шукрки, Ўзбекистонимиз истиқлоли туфайли барча ёру дўстлар, қариндош, опа-сингиллар бахтиёр ҳаёт кечиришмоқда. Отамиз ҳаёт бўлганларида бу кунлардан қанчалар хурсанд бўлардилар. Мустақиллик шаънига шодмон битиклар ёзардилар. Ҳа, бири кам дунё деб шунга айтсалар керак-да!

Манфаат ЖАМОЛИДДИНОВА,
журналист.

ВОРИСЛАР

(Ёз фасли, катта ҳовлининг атрофидаги гилос ва олчалар ғарқ пишган. Сув лабига қўйилган кароватда Ризомард ота «касал» ётибди. Ўғил билан келин уни кўргани келишган).

ЎҒИЛ — (хотинига қараб) Дадамиз қаттиқ ётиб қолибди-ку. Яқинроқ кел.

КЕЛИН — (бурнини қийшайтириб) Мен касалдан қўрқаман.

ОТА — Их... их... их...

ЎҒИЛ — Ассалому алайкум, дада! (Чолнинг кўзи юмуқ, ҳамон инграр эди). Дада, дада, мана мен, ўғлингиз, ўғлингиз, дадажон. (Ота кўз очмайди). А, хотин-а, хотин, мана бобойни кўзи юмилиб, тилдан қопти. Ўтган ҳафта келганимизда.

КЕЛИН — Вой савил-ей, Аҳмад магазинчининг тўйини ташлаб-а? Жониз кирди-ю, мумайдай тушиб.

ОТА — Их... их... их...

КЕЛИН — Ношуд, сув томизсангиз-чи, сув! (Ўғил чойгумдаги сувга қоғоз ботириб отасига томизади... Келин девордаги ойнага қараб ўз аксига муқом қилиб куйлайди).

Эржон, вой эр, чаккам оғрияпти.
Чакканғдан эринг айлансин
Нималарга оғрияпти?
Катта-катта тўй бўлса,
Текин топганлар келса.
Ҳар муқомга беш ўн,
Чаккамга қистирилса,
Ўшанга оғрияпти.

ЎҒИЛ — Ўйинингни қўйсанг-чи?!

КЕЛИН — Ҳа, нима?!

ЎҒИЛ — Дада, дада!.. (хотинига қараб) Сув ҳам ўтмаяпти.

КЕЛИН — Вой амалланг лабларини ишқалаб бўлса ҳам гапиртиринг! Қарс уриб қолмайлик тағин. Дада, дада!... (келин отанинг бош томонидан келиб ёстиқ тагига қўл суқиб, титкилаб омонат касса дафтарчасини топади). Хайрият-е, мана! 860 сўм! Бу кам! Дадамиз ўлгур ҳар ойда юз ўн сўмдан пенсия олади. Битта ўзи ўн сўмини есин (дарахтларга ишора қилиб). Мана бу меваларнинг пули-чи? Жон эр гапиртиринг, чолда пул кўп!

ЎҒИЛ — Минг марта айтдим чол ўсал тортиб қопти, бориб кўрайлик, деб ўзингга-ўзинг қилдинг! (Ота кўз очиб ўғлига тикилади). Дадажон, дада, мана мен келдим.

ОТА — Бир йил бўлди, ўғлим, сени кутаман.

ЎҒИЛ — Мени кечиринг.

КЕЛИН — (йиғлаб) Вой дадамларнинг товушларими, кўзларидан қоқиндиқ, дадажон, кўзизни очдизми? Соқолларидан айланай, дадажоним, хизматизни қилолмадим, гуноҳимдан ўтинг, ёшлик қилибмиз, дадажон, рози бўлинг.

ОТА — Их...

КЕЛИН — (эрига) Сўранг-чи! Битта-яримтада пуллари бормикин?

ЎҒИЛ — Дадажон, жон бор жойда қазо бор, мабодо оласингиз бўлса, айтинг.

ОТА — Их... амакингда йигирма сўмим бор.

КЕЛИН — (эрига) Ёзинг, ёзинг, амакизда йигирма сўм. Мана бу қошимга сурадиган қаламда ёзинг! (Ўғил ёза бошлайди).

ОТА — Полвон тоғада ўттиз сўм.

КЕЛИН — Ёзинг, ёзинг! Ўттиз сўм!

ОТА — Холангда эллик сўм.

КЕЛИН — Ёзинг, ёзинг, эллик сўм. Айтаверинг, дадажон, айтаверинг.

ОТА — Аммангдан ўн беш сўм қарзим бор.

КЕЛИН — (секин товуш билан) тўхтанг, эр, тўхтанг-тўхтанг, дадайиз айниб қолди.

ОТА — (ирғиб туради). Офарин!... (Ўғил билан келин саросимада).

КЕЛИН — Вой дада-е, оппоқ соқолиз билан наҳотки алдасангиз. Сизни ўсал тортиб қолдиз, деб чиппа-чин ишониб ташвиш тортиб юрибмиз-а?

ОТА — Ҳа, ёмон ташвишда қолдиларинг, фарзанд экан, кўргим келиб чақиртирган эдим. Шу билан бир синагим ҳам келиб қолди. (Ўғлига қараб) Ишлаяпсанми?

КЕЛИН — Ҳа, мен билан бирга артистлик қилиб юрибтила.

ОТА — Артистлик?!

КЕЛИН — Артистлик ёмонми?

ОТА — Ҳе, сатқайи артист кетинглар. Ҳали ўз кўнгилларингизда артистман деб юрибсанларми?

КЕЛИН — Артист бўлмай нимамиз?

ОТА — Артист жуда улуғ ном. Кошкийди артист бўлсаларинг. Сизларни халқ «отарчи» дейди. Отарчи, демак тиланчи демакдир. Менинг афсусим шуки, атрофимизда ҳамма кўни-қўшниларнинг келин-кевати, ўғил ва қизлари ҳалол меҳнат қилишяпти. Менинг ҳам тенгқурларим бор. Сўрашади. Ўғлингиз билан келинингиз қаерда ишлашади деб. Шуни ўзида тилим тутилади-ю, чор-ночор «отарчи» дейман.

КЕЛИН — (эрига кўз қисиб) Нима қил дейсиз, бўлмаса?

ОТА — Меҳнат, одамлар сингари меҳнат қилинглар дейман. Мен қариб қолдим, беш кунлигим борми-йўқми, сенлардан хотиржам бўлсам дейман, келин.

КЕЛИН — (мулойим) Дадам бечора, доимо бизнинг ғамимизни ейди-да. Бизни кечиринг, дада ўғлингиз ҳам, мен ҳам ҳалол ишлаймиз.

ОТА — Шундай қилинглар.

КЕЛИН — Сиз энди қариб қолдингиз. Мана бу уй-жойларни бизга хат қилиб берсангиз.

ОТА — Уйни аллақачон хат қилиб бериб қўйганман.

ЎҒИЛ, КЕЛИН — Кимга?

ОТА — Фарзандларимга.

КЕЛИН — Вой тавба, эсингиз камайиб қолганми, пешонангизда битта-ю битта (эрини кўрсатиб) шу киши-ку!

ОТА — Йўқ, (девор орқасидан боғча болаларининг қўшиғи эшитилади). Эшитяпсизларми? Менинг фарзандларим ана шулар. Сберкнижкани бер. (Келин билан ўғил безрайганича қотиб қолади) бу пул ҳам ана шуларнинг ўйинчоқларига сарф қилинади.

Алп ЖАМОЛ.

"JUR BEK" "ЖЎРАБЕК" ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ ЧОРЛАЙДИ!

Бугунги кунда аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида "Жўрабек" хусусий дорихонаси жаҳондаги кўплаб фармацевтика саноати корхоналари, фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, Англиянинг "Стерлинг Хелс" фирмасидан харид қилинган оғриқ қолдирувчи ва иситма туширувчи "Панадол" дорисининг саккиздан ортиқ тури чақалоқдан тортиб то кекса беморларгача даволашда бебаҳо малҳам бўлмоқда. Айниқса, франциялик ҳамкасблардан харид қилинаётган хилма-хил гинекологик дори-дармонлар хотин-қизлар касалликларини даволашда ва бу хасталикларнинг олдини олишда ниҳоятда қўл келмоқда.

Panadol Tablets

ҲУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР!

Дори-дармонлар танқис бўлиб турган бугунги кунда Сиз учун фақат "Жўрабек" хусусий дорихонасигина дунёнинг исталган бурчагидан дардингизга малҳам бўладиган зарур дори-дармонларни топиб, етказиб бера олади!

ДОРИХОНАМИЗ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "Бешёғоч" майдони, Олмазор кўчаси, 165-уй.
Телефон: 45-60-40, факс: 45-41-46.

ҲИНДИСТОННИНГ
ТОШКЕНТДАГИ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ

Ҳар ҳафтада уч марта
ўзбек, рус ва ҳинд тилларида
Сешанба куни — соат 18.00 - 20.30
Пайшанба куни— соат 18.00 - 20.30
Шанба куни — соат 15.00 -17.30

ҲИНД БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРИНИ КЎРСАТАДИ
Томошабинлар аввалдан ёки 33-33-65 телефони орқали буюртма бериб оладиган таклифномалар билан киритилади.
Фильмлар бепул намойиш этилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Свердлов кўчаси, 21-уй (собиқ Тельман номли боғ атрофи).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11;
Бухорода -- 3-54-87;
Гулистонда -- 2-26-22;
Жиззахда -- 3-31-86;
Навоийда -- 3-75-43;
Наманганда --6-43-43;
Нукусда -- 7-58-83;
Самарқандда -- 35-22-90;
Тошкентда-- 33-54-55;
Урганчда -- 6-51-35;
Фарғонада -- 26-37-16;
Қаршида -- 3-25-79;
Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0286.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22. 20.
1 2 3 4 5 6.